Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 271 (4669).
28 НОЯБРЬ 1981 й.
ШАНБА.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БЕШ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИГА ТЕНГЛАШАЙЛИК

МУСОБАҚА САМАРАСИ

КПСС XXVI съезди номли Тошкент чинни заводи... Бундан буён Ўзбекистон енгил саноатига қарашли чинни ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг байроқдори бўлган бу корхона ана шундай ном билан аталади.

Пойтахт корхонаси буюмларига — бу ерда 40 дан ортиқ турли хил чойнак, пиёла ва бошқа буюмлар ишлаб чиқарилади — Иттифоқимизда ва чет элларда эҳтиёж катта. Тошкентлик чиннисозларнинг касб маҳоратига чет эллик мутахассислар ҳам юқори баҳо беришган.

Корхона ишчилари қисқа муддатларда реконструкция ишларини амалга оширишди, мураккаб касбларни эгаллашди, замонавий техникани ўзлаштиришди ва 1978 йилда лойиҳа қувватига эришишди. Ҳозир йилига 31 миллионта турли хил буюмлар тайёрланяпти.

Иноқ коллективда талайгина юксак малакали мутахассислар — ўз касбининг усталари бор. Меҳнат илғорлари Я. Умархўжаев, Ш. Ғаниева, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Д. Орифхонова, Х. Шарипова, М. Пўлатова, Н. Никитина ва бошқалар СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига бошланган мусобақада намуна кўрсатиб, ёшларга ўзларининг бой тажрибаларини сидқидилдан ўргатмоқдалар.

Корхона меҳнаткашлари бугунги кунда келгуси режалар ташвиши билан яшаяпти. 1983 йилда ишлаб чиқариш реконструкция қилиниб, кенгайтирилади. Натижада беш йиллик охирида янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми икки баравар ортади.

Корхонага КПСС XXVI съезди номи берилганлиги коллективни гоят ҳаяжонлантирди. Кеча бу ерда митинг бўлиб ўтди.

Қолипловчи М. Еқубов, рассом В. Рашидова, мастер Л. Лутфуллаев, завод директори Р. Иброҳимов ва бошқалар митингда сўзлаган нутқларида заводга КПСС XXVI съезди номи берилганлиги, ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ҳақида ғамхўрлик қилаётганликлари учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига ва республика ҳукуматига чуқур миннатдорчилик билдирдилар.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети секретари Б. Ғ. Ҳалилов коллективни фахрли ном берилгани билан, социалистик мусобақадаги катта муваффақиятлар билан табриклади. СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига бошланган зарбдор вахт янги муваффақият тилади.

Ўзбекистон Комп тияси Марказий Ко тети ва республика А нистрлар Советига й ланган мактубда зав меҳнаткашлари ўзла нинг бутун куч ва та рибаларини коммун тик қурилиш ишл КПСС XXVI съезди рорларини бажариш сарфлаяжакла р и н 1981 йил ва умум беш йиллик учун бел ланган план ва мажб риятларини муваффақ ятли адо этиб, КП XXVI съезди номи шараф билан оқлаяж ларини изҳор этдилар

М. САВЕЛЬЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ МАЖЛИСЛАРИ ТЎҒРИСИДА

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

27 ноябрь куни Тошкентда ўнинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг тўртинчи сессияси ўз ишини давом эттирди.

Депутатлар сессия кун тартибининг дастлабки уч масаласи юзасидан — 1981—1985 йилларда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва соцнал ривожлантириш Давлат плани тўғрисидаги, 1982 йилда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва соцнал ривожлантириш Давлат плани ҳақидаги ва 1981 йилда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва соцнал ривожлантириш Давлат плани қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги, Ўзбекистон ССРнинг 1982 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги ва Ўзбекистон ССР 1980 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақидаги докладларни муҳокама қилдилар. Музокараларда депутатлардан М. Ж. Юсупов (486-Беруний сайлов округи), Т. А. Алимов (79-Телов сайлов округи), К. П. Дудин (3-Фарҳод сайлов округи), Ф. Н. Каримова (297-Шаумян сайлов округи), Ғ. Н. Насриддинов (359-Янгнобод сайлов округи), Н. Т. Туропов (370-Шўрчи сайлов округи), Э. Исломов (207-Бахмал сайлов округи), И. И. Головачев (247-Чироқчи сайлов округи), Т. Я. Шарипов, (505-Охунбобоев сайлов округи), М. Исмоилова (455-Педагогика сайлов округи), П. В. Догонкин (424-Ўлтарма сайлов округи), С. С. Имомов (82-Чаноқ сайлов округи); С. У. Султонова (44-Дзержинский сайлов округи), Б. М. Маҳмудов (394-Гулистон сайлов округи), Т. Тошпўлатов (174-Школьний сайлов округи), А. Г. Руденко (259-Тўқимачи сайлов округи), Н. Маматқодиров (143-Қўрғонтепа сайлов округи), Хоразм область ижроия комитетининг раиси К. Сафоев қатнашдилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси депутат Қ. А. Аҳмедов ҳам якунловчи нутқ сўзлади.

Ўзбекистон ССР молия министри депутат В. Муродхўжаев ҳам якунловчи нутқ сўзлади.

Олий Совет 1981—1985 йилларда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва соцнал ривожлантириш Давлат беш йиллик плани тўғрисидаги, 1982 йилда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва соцнал ривожлантириш Давлат плани тўғрисидаги қонунларни, ҳамда 1981 йилда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва соцнал ривожлантириш Давлат плани қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги қарорни бир овоздан қабул қилди.

Ўзбекистон ССРнинг 1982 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги қонун ҳамда Ўзбекистон ССР 1980 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақидаги қарор бир овоздан қабул этилди.

* * *

Сўнгра Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси депутат И. Б. Усмонхўжаев «Ўзбекистон ССРнинг суд тузилиши тўғрисида»ги, «Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судларини сайлаш тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судларининг халқ судьялари ва халқ маслаҳатчиларини чақириб олиш тартиби тўғрисида»ги қонунларни қабул қилди.

Олий Совет Ўзбекистон ССРнинг суд тузилиши тўғрисидаги, Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судларини сайлаш тўғрисидаги ҳамда Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судларининг халқ судьяларини ва халқ маслаҳатчиларини чақириб олиш тартиби тўғрисидаги қонунларни бир овоздан қабул қилди.

Депутатлар Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари, депутат Г. Қ. Хайдарованинг Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Фармонларини тасдиқлаш тўғрисидаги докладини тингладилар.

Олий Совет ўз муҳокамасига тақдим этилган Фармонларни тасдиқлади, тегишли қонунлар ва қарорлар қабул қилди.

Шу билан ўнинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг тўртинчи сессияси ўз ишини тамомлади.

Депутат К. П. ДУДИН нутқи

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИНИНГ ИККИНЧИ СЕКРЕТАРИ

Депутат ўртоқлар! Тошкент шаҳри коммунистлари, барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети ноябрь (1981 йил) Пленуми, СССР Олий Совети VI сессияси қарорларини чуқур мамнуният ҳис-туйғуси билан қарши олдилар. Сессия 1981-1985 йилларда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани, 1982 йилда СССРни иқтисодий ва соцнал ривожлантиришнинг Давлат плани ҳамда 1982 йилги Давлат бюджетини тасдиклади. Бу ҳужжатларда КПСС XXVI съезди томонидан белгиланган кенг социал программа ўзининг тўла-тўкис ифодасини топган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Пленумида республиканинг бу йил экономика ҳамма тармоқларида, айниқса, қишлоқ хўжалигида эришган ютуқлар ёркин акс этди. 6 миллион тоннадан ортиқ «оқ олтин» хирмони ўйган, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда яхши натижаларга эришган қишлоқ хўжалик ходимларининг меҳнати КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. Н. Брежневнинг республика меҳнаткашларига йўллаган табрикномасида юқори баҳоланди.

Республика Компартияси Марказий Комитети Пленумининг қарорларида партия, совет ва хўжалик органларининг, барча меҳнат коллективларининг ишлаб чиқаришни самарадорлиги ва иш сифатини янада ошириш, экономикани интенсив ривожлантириш йўлига ўтказишни тезлаштириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширин, планлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш соҳасидаги вазифалари ва амалий иш йўналишлари белгилаб берилди.

Депутат ўртоқлар! Ўн биринчи беш йиллик биринчи йили тугаяпти. Тошкент меҳнаткашлари барча совет кишилари қатори куч-гайратларини бу йилги планлар, соцналистик мажбуриятларни муваффақиятли бажаришга қаратмоқдалар.

Бугун биз депутатларга шаҳар саноати энг муҳим турдаги кўпгина маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича ўн бир ойлик планни муддатидан илгари 24 ноябрда бажарганлиги ҳақида маълум қилишдан хурсандмиз.

Шаҳар партия, совет. хўжалик органлари КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини бажара бориб, ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1981 йил) Пленумида сўзлаган нутқида истеъмол моллари ишлаб чиқариш суръатларини ўстиришни жадаллаштириш тўғрисидаги кўрсатмаларига амал қилган ҳолда халқ истеъмол товарлари ҳажмини кўпайтириш, ассортиментини кенгайтириш, сифатини яхшилаш, аҳолининг бу товарларга бўлган эҳтиёжини янада тўлароқ қондириш масалаларига алоҳида эътибор бермоқдалар. Бу вазифаларни муваффақиятли бажариш учун мазкур товарларни ишлаб чиқаришда маҳаллий комашё ва саноат чиқитларидан тобора кўпроқ фойдаланилмоқда. Бу йил халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни ўтган йилдагига нисбатан 1,7 баравар кўпайтириш мўлжалланмоқда.

Саноатда мавжуд қувватларни реконструкция қилиш ва техника жиҳатдан қайта қуроллантиришга алоҳида аҳамият бериляпти. Бу кам сарф билан юксак халқ хўжалик пировард натижасига эришишга хизмат қилади.

Шаҳар экономикасининг тез суръатларда ўсиши, экономика айрим бўғинларини ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг мураккаблашиб бораётганлиги, атроф-муҳитни муҳофаза этиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарурати халқ хўжалигини бошқариш усулларини янада такомиллаштиришни, планлаштириш ҳамда планнинг бажарилишини ташкил этишга янгича муносабатда бўлиш йўлларини ишлаб чиқишни талаб этади.

Ҳозирги пайтда шаҳар саноатини 1990 йилгача бўлган даврда ривожлантиришнинг комплекс программаси ишлаб чиқиляпти. Бу программани тузишга илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институтлари, таниқли иқтисодчи олимлар, етакчи мутахассислар, республика ва маҳаллий план органлари жалб этилган.

Шаҳарда катта ҳажмда қурилиш олиб борилмоқда. Бу йил 600 миллион сўмликдан ортиқ капитал маблағ ўзлаштирилади, 500 миллион сўмликдан кўпроқ асосий фондлар ишга туширилади, 1 миллион квадрат метрли турар-жой, кўпгина социал-маданий, маиший ва коммунал объектлари фойдаланишга топширилади.

Шаҳар партия ташкилотида озиқ-овқат программасини ҳал қилишга катта аҳамият бериляпти. Шаҳар меҳнат коллективлари кучи билан Тошкент областининг «ЎзССР 50 йиллиги» колхозида қорамолларни бўрдоқига боқиш учун комплекс қурилди. Оталиқ Жиззах областининг Зарбдор районида чорвачилик комплекси қурилиши олиб бориляпти.

Ўтган йили хашар усули билан қисқа вақт ичида 10 минг бошга мўлжалланган чўчқачилик комплекси қурилиб, фойдаланишга топширилган эди. Бу ердан ҳар йили умумий овқатланиш ва савдо тармоқларига 200 тонна гўшт етказиб берилади. Шаҳар корхоналари ва ташкилотларида ёрдамчи хўжаликларни ташкил этиш бўйича ишлар кенг авж олиб кетган. Бундай хўжаликлар В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Узавторемонт» бирлашмаси ва қатор бошқа корхоналарда ташкил этилди.

28 минг бройлер ҳамда 25 минг товуққа мўлжалланган иккита паррандахона қуриляпти.

Савдо, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, транспорт ва алоқани, шаҳар хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантиришда ижобий ўзгаришлар рўй беряпти.

Ютуқларимизни ифода этган бу рақамлар замирида ишчилар, хизматчилар, зиёлилар, партия, совет ва хўжалик ходимларининг фидокорона меҳнати, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматининг тошкентликлар эҳтиёжи тўғрисидаги доимий оталарча ғамхўрлиги ётибди.

Биз хўжалик ва маданий қурилишдаги муваффақиятларимизга юқори баҳо бериш билан биргаликда иш якунларимизни КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1981 йил) Пленуми қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмалари нуқтаи назаридан таҳлил этар эканмиз, ҳали шаҳар партия ташкилоти, маҳаллий Советлар, хўжалик органлари фаолиятида нуқсон ва камчиликлар мавжудлигини кўрамиз. Бунинг учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Пленумида ва сессиядаги докладларда ҳақли равишда танқид қилиндик.

Биз ўз вазифамизни камчиликларни тезроқ бартараф этишдан, ҳамма меҳнат коллективларини беш йиллик биринчи йили учун қабул қилинган юксак социалистик мажбуриятларни бажаришга сафарбар этишдан, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақани кенг авж олдиришдан иборат деб биламиз.

Депутат ўртоқлар! Биз Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси Қ. А. Аҳмедов, Ўзбекистон ССР Молия министри В. Муродхўжаев, Ўзбекистон ССР Олий Совети план-бюджет комиссиясининг раиси Л. И. Греков ўртоқларнинг докладларини катта эътибор билан тингладик. Бу докладларда КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съездида кўзда тутилган республикани ўн биринчи беш йилликда иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг кенг программасини бажариш бўйича вазифалар белгилаб берилган.

Ўзбекистон пойтахти коммунистлари, барча меҳнаткашлари 1981-1985 йилларда республикани иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани, 1982 йилда иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани ҳамда Давлат бюджети лойиҳаларини маъқуллайдилар ва қўллаб-қувватлайдилар.

Планларнинг қабул қилиниши бутун республика каби Тошкентнинг ҳам иқтисодий потенциалини тез суръатларда ўстириш, унинг барча тармоқларини комплекс ривожлантириш, шаҳар аҳолиси турмуш фаровонлигини оширишни таъминлайди.

Шаҳарда беш йилликда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 30 —32 процентга ортади. Бу ўсишнинг 90 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилади.

Беш йиллик планида катта қурилиш программаси мўлжалланган. Шаҳарда 6 миллион квадрат метр ўнинчи беш йилликдагидан қарийб 1,5 баравар кўп турар-жой қурилади. 59 минг ўринли умумий таълим мактаблари, 29 минг ўринли мактабгача тарбия болалар муассасалари ҳамда социал-маданий, маиший ва коммунал объектлари барпо этилади. Тошкентнинг Эски шаҳар қисмига кенг фронт бўйлаб ҳужум бошланади. Бу ерларда нураган, авария ҳолатидаги уйлар ўрнида хизмат кўрсатиш корхоналарининг тўла комплекси бўлган замонавий турар-жой бинолари қад кўтаради.

Келгуси йилнинг ўзида ноёб объектлар ҳисобланган кўп қаватли «Москва» меҳмонхонаси, телевизион минора, почтамт ва кўпгина бошқа бинолар қурилишини тугаллаш кўзда тутилияпти.

1983 йил сентябрда нишонланадиган Тошкент юбилейигача шаҳарни қатор майдонлар безайди. Улар орасида Халқлар дўстлиги, И. Охунбобоев, М. Горький, Ҳ. Олимжон, А. Икромов майдонлари комплекси бўлади. Янги ер ости йўллари ва кўприклар, марказий магистраллар ва бошқа объектлар қурилади.

Метрополитеннинг иккинчи навбати фойдаланишга топширилади.

Шаҳар халқ хўжалиги барча тармоқларининг, меҳнаткашлари мамлакатимиз ва республикамиз ҳаётида муҳим воқеалар ҳисобланган СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги, республика ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги, Тошкентнинг 2000 йиллиги байрамларини муносиб кутиб олиш учун янада самарали ишлашга, тежамкорликни кучайтиришга ҳаракат қиляптилар.

Шу билан бир қаторда биз шаҳар экономикасини ривожлантиришнинг кечиктириб бўлмайдиган айрим масалаларини ҳал этишда ёрдам кўрсатишни ва буни ўн биринчи беш йиллик планлари ва бюджетларида ҳисобга олишни илтимос қилмоқчимиз.

Йилдан-йилга турар-жой граждан ва саноат қурилиши ҳажмлари кенгайиб боряпти. Шаҳар қурилиш, монтаж, лойиҳа ташкилотларида қатор йиллар давомида турар-жойлар, социал-маданий, маиший объектлар қурилишини узлуксиз планлаштириш ва уларни комплекс поток усулида қуришга ўтишга тайёргарлик кўрилмоқда. Буларнинг ҳаммаси инженер тармоқлари қурилишини жадаллаштиришни талаб қилади. Олдимизга қўйилган вазифаларни бажаришни тезлаштириш, шаҳар юбилейига тайёргарлик билан боғлиқ тадбирларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш мақсадида биз республика Госпланидан «Коммунал хўжалик» соҳаси бўйича қўшимча капитал маблағ ажратиш имкониятини кўриб чиқишини илтимос қилар эдик.

Биз «Главташкентстрой» ҳамда «Минстрой» ва «Минмонтажспецстрой»нинг шаҳарда жойлашган бўлинмаларини қурилиш базаларини мустаҳкамлаш, уйсозлик комбинатлари қувватларини кучайтириш чораларини кўришни сўраймиз. Бу ҳажмларни уйсозлик заводини, йилига 320 минг квадрат метр турар-жой қуриш қувватига эга бўлган янги уйсозлик комбинатини фойдаланишга топширишни, мавжуд уйсозлик комбинатларини реконструкция қилиб, уларни янги, яхшиланган 148 сериядаги турар-жой биноларига қуришга ўтказишни таъминларди. Республика Госпланидан бу мақсадларга қўшимча капитал маблағ ажратилишини кўзда тутишни илтимос қиламиз.

Биз республика Молия министрлигидан ободонлаштириш объектларини капитал ремонт қилиш ва сақлаш учун қўшимча маблағлар ажратиш имкониятини кўриб чиқишини сўраймиз.

Республика энергетика министрлигига алоҳида илтимосимиз бор. Бу министрлик ТашГРЭСни реконструкция қилиш ва у ердан шаҳарга иссиқлик етказиб бериш ҳисобига Тошкентни иссиқлик билан таъминлаш масаласини ҳал қилиши лозим.

Депутат ўртоқлар! Тошкент меҳнаткашлари шаҳар партия ташкилоти раҳбарлигида ва маҳаллий Советларнинг актив иштирокида бутун куч ва билимлари, тўпланган тажрибаларини ишлаб чиқаришни интенсивлашни ошириш учун ресервларни излаб топиш ва улардан тўлароқ фойдаланишга, 1982 йил ва умуман ўн биринчи беш йиллик топшириқларини бажариш ва ошириб бажаришга сарфлайдилар, деб ушбу сессияни ишонтиришга рухсат этгайсизлар. (Қарсаклар).

5 ДЕКАБРЬ—КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК КУНИ

Мамлакатимиз ҳаётида қувончли воқеалардан бири — коммунистик шанбаликка роппа-роса бир ҳафта қолди.

Москва остоналарида немис-фашист босқинчилари устидан қозонилган ғалабанинг 40 йиллигини нишонлаш юзасидан пойтахтдаги меҳнат коллективлари декабрь ойининг биринчи шанбасида меҳнат байрами ўтказишга, шу куни юксак самарадорликка эришишга, ишлаб топилган иш ҳақини беш йиллик фондига ўтказишга аҳд қилдилар.

Москваликларнинг бу ватан парварлик ташаббусини Ўзбекистон пойтахтининг самолётсозлари, «Қизил тонг», «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаларининг чеварлари, «Ўртоқ» кондитер фабрикаси, 1-уйсозлик комбинати, 11-«Висотстрой» трести, Тошкент шаҳар марказлашган усулда юк ташиш трестининг 2502-автоколонна коллективлари қизғин қўллаб-қувватладилар.

Бу ватанпарварлик ташаббусига Тошкент шаҳрининг барча меҳнат коллективлари якдиллик билан қўшилдилар. Корхоналарда ва ташкилотларда иқтисод ҳисоби очилди, тежалган материал ресурслари эса ҳисобга олина бошланди.

Ҳозирги тахминий ҳисоб-китоб ларга қараганда, шу куни 8,4 миллион сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилади, 2,5 миллион сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишлари бажарилади. Фақат тежаб қолинган материаллар, металл, хом ашё, ярим фабрикатлар, электр ва иссиқлик энергияси ҳисобига 864,8 минг сўмлик турли хил халқ хўжалик буюмлари тайёрланади.

«Ҳамма бир тан, бир жон бўлиб, шанбаликка чиқсин!», «Меҳнат байрамида юксак унум билан ишлайлик!» — тошкентликларнинг шиори ана шундайдир.

Тинчлик фондига

Шу кунларда пойтахтимиздаги барча корхона ва ташкилотлари, олий ўқув юртлари бундан 40 йил илгари Москва остоналарида немис-фашист босқинчиларининг тормор этилиши муносабати билан 5 декабрда ўтказиладиган Бутуниттифоқ коммунистик шанбаликка қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Шаҳримиз қурувчилари ҳам ана шу шонли меҳнат куни зўр ғайрат-шижоат билан фидокорлик кўрсатишга аҳд қилишган.

БУГУН

11 — «Висотстрой» трестида ана шу шанбалик куни бажариладиган ишларнинг плани ишлаб чиқилди. Трестнинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳ. Корабоев, А. Жўраев, Ш. Қаюмов, А. Голубев бошчилигидаги зарбдор бригадалари пойтахтимизнинг «Москва» меҳмонхонаси, 16 қаватли уйлар қурилиши сингари ноёб объектларда жонбозлик кўрсатишмоқда.

— Бригадаларимиз, —дейди трест партия комитетининг секретари В. Н. Дорохов, — меҳнат байрамида катта иш бажаришга бел боғлашган. Қурувчиларимиз шу куни 45 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишади. Ана шу маблағдан салкам беш минг сўми тинчлик фондига ўтказилади.

Қизғин ҳозирлик

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети студентлари 5 декабрда ўтказиладиган коммунистик шанбаликка қизғин ҳозирлик кўришмоқда.

Университет комсомол комитети бажариладиган ишлар программасини ишлаб чиқди. Шанбалик куни олий ўқув юртининг 9 мингдан зиёд комсомол ёшлари меҳнат камарини боғлаб чиқишади. Тўрт минг нафар студент Собир Раҳимов райони қурилиш ва саноат корхоналарида ишлайди. Беш минг нафар студент эса Студентлар шаҳарчаси, университет атроф-теваракни, ҳамда бу ерда бунёдга келтирилаётган янги ҳиёбонда ободонлаштириш ишларини бажаради.

— Бутуниттифоқ коммунистик шанбаликда, — дейди университет комсомол комитетининг секретари Р. Азимов, — мамлакатимизнинг барча меҳнаткашлари, ёшлари сидқидилдан меҳнат қилишга бел боғлаган. Комсомол-ёшларимиз ана шу улкан меҳнат симфониясига ўз ҳиссаларини қўшиб, бу шарафли ташаббусга «лаббай» деб жавоб берадилар.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Эквадор Коммунистик партияси X съездига йўллаган табриги эълон қилинган.

● Маҳаллий газеталарда «Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш нинг 1981—1985 йилларга мўлжалланган Давлат плани тўғрисида» ҳамда «Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1982 йилги Давлат плани тўғрисида» Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Қонунлари босилган.

● 27 ноябрь куни Тошкентда жамоатчилик вакилларининг Югославия миллий байрами — республика кунига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш қатнашчилари икки мамлакат ўртасида ҳамкорлик йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораётганлигидан мамнуният изҳор этдилар.

БЕЛОРУССИЯНИ ҚУТЛАБ

Октябрь районидаги У. Юсупов номли 132-ўрта мактабда ўқувчиларни интернационал руҳда тарбиялашга катта эътибор берилмоқда. Бу ерда СССРнинг 60 йиллиги олдидан, РСФСР, Украина республикаларига бағишлаб турли қизиқарли тадбирлар ўтказилди.

Куни кеча эса Илғор маҳалласи билан ҳамкорликда Белоруссия ССРга бағишлаб катта тантанали кеча ташкил этилди. Кечага бағишлаб фотогазета, фотомонтаж, Белорус рассомлари ижоди, ёзувчилари китоблари кўргазмаси намойиш қилинди.

Кечада шу мактаб директори Ш. С. Саторов «Белоруссия ва Ўзбекистон халқлари дўстлиги» деган суҳбати, медицина фанлари доктори, профессор С. Фахриддинов, медицина фанлари кандидати З. Эгамбердиев, педагогика фанлари кандидати У. Раҳимовнинг суҳбатларини ўқувчилар эътибор билан тингладилар.

Кеча охирида Зафар Диёрнинг «Дўстлик» шеъри, Белорусс шоирлари Якуб Колас, Янка Купала, Петрусь Бровканинг шеър ва қўшиқлари янгради.

М. ИСМОИЛХЎЖАЕВА.

Тошкентнинг якшанба кўни

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ ВИСТАВКАСИДА

КЎРГАЗМАГА МАРҲАМАТ

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг тематик павильонида очилган янги кўргазма «Енилғи ва энергетика ҳамда бошқа ҳом ашё ресурслари экономикаси» деб аталади. Ҳамшаҳарларимиз якшанба куни ана шу кўргазма билан муфассал танишишлари мумкин. Текстли фактлар, графика, схема ва бошқа экспонатлар энёратиларни республикамизнинг ёнилғи ва энергетика соҳасида қўлга киритган ютуқлари, унинг ишлатилиши ва иқтисоди ҳақида кенг маълумот беради.

Кўргазма республикамиз энергетикаси системаси, бу системанинг Ўрта Осиё ва Жанубий Қозоғистон энергетика системалари билан узвий боғлиқлиги ҳақида, Тожикистондаги Норак ГЭСи, Тошкент энергетика системалари ҳақида ҳикоя қилувчи қизиқарли экспонатлар билан тўлдирилган. Ушбу кўргазма материаллари томошабинларда катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиз.

Бу ерда яна халқ хўжалигининг турли соҳаларига бағишланган иккита янги кўргазма тузиш ишлари бошлаб юборилди.

НАВОИ КУТУБХОНАСИДА

СТЕФАН ЦВЕЙГГА БАҒИШЛАНАДИ

Ҳамшаҳарларимиз эртага Алишер Навоий номидаги республика давлат кутубхонасида Австриянинг машҳур ёзувчиси Стефан Цвейг туғилган кунининг 100 йиллиги муносабати билан очилган кўргазмани бориб кўришлари мумкин.

Кўргазма 100 дан ортиқ экспонатлардан тузилган бўлиб, бу ерда таниқли сўз устасининг ўз она тилида чоп этилган асарлар тўплами, рус тилида нашр қилинган тўла асарлар тўплами ҳамда ўзбек тилига таржима қилинган асарлари намойиш қилинмоқда.

Кўргазмага, шунингдек, ёзувчининг ҳаёт йўли, таржимаи ҳоли, у ҳақда жаҳон адабиёти йирик намояндаларининг фикрлари чоп қилинган нашрлар, журналлар ҳамда фотографик лавҳалар қўйилган бўлиб, бу ташрифчиларнинг ёзувчи ҳақида янада кенгроқ тасаввур олишларига ёрдам беради.

ТЕАТР САҲНАСИДА

«РИККИ—ТИККИ—ТАВИ»

Эртага Тошкент қўғирчоқ театрида пойтахтимиз кичкинтойлари учун Америка ёзувчиси Р. Киплинг асари асосида М. Поливанова сценарий ёзган «Рикки—тикки—тави» спектакли намойиш этилади.

Қўғирчоқ театри аллақачон кичкинтойларнинг севимли масканига айланиб қолган. Бу ерда ўзбек, рус ва жаҳон ёзувчиларининг асарлари асосида намойиш этилаётган спектакларни кичкинтойлар катта қизиқиш билан кутиб олишмоқда. Айниқса, ўзбек халқ эртаклари, халқ оғзаки ижоди оҳангларида яратилаётган спектакллар болаларга маъқул бўлмоқда.

Театр коллективи айни пайтда Янги йил байрамига бағишланган қувноқ спектакллар программасини яратиш устида иш олиб бормоқда. Бу спектакллар ўқувчиларнинг қишки каникул кунларида намойиш этилади.

МАДАНИЯТ САРОЙИДА

ЁШЛИК ТАРОНАСИ

Тракторсозлар маданият саройида «Гелиос» дискотека клуби, «Контракт» вокал-чолғу ансамбли ҳамда «Ёшлик» ўзбек халқ чолғу ансамблларининг ёш ишчиларга бағишланган концерт программаси намойиш этилади.

Программага ёшлик, Ватан, бахт ва саодат мавзулари тараннум этиладиган куй ва қўшиқлар киритилган.

Маданият саройи ёш тракторсозлар, қизлар, йигитларнинг севимли масканига айланиб қолган. Бу ерда иш олиб бораётган ўнлаб тўгараклар, клублар ва лекторийлар ҳамиша ёшлар билан гавжум бўлади. Маданият саройида ишчиларнинг бўш вақтларини кўнгилли ўтказишлари учун барча шароитлар муҳайё қилиб қўйилган.

Маданият саройи қошидаги агитбригада эса шу куни ишчи ётоқхоналарида турли мавзуларда қизиқарли суҳбат ва учрашувлар ўтказади.

Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар

ІНГИ ВАЗИФАЛАР ДАРАЖАСИДА

Сиёсий ва иқтисодий таълим системасида янги ўқув йили пойтахтимизнинг барча меҳнат коллективларида ташкилотларида муваффақиятли борляпти. Кўп сонли пропагандистлар диққат марказида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг «Эсдаликлар» асари, унинг КПСС Марказий Комитети ноябрь (1981 йил) Пленумида сўзлаган ёрқин нутқи ва ўнинчи чақириқ СССР Олий Советининг VI сессияси материаллари турибди. Ўқувчилар ўқувчиларни ўзини етакчи корхоналар партия ташкилотлари ходимлари билан учрашмоқдалар.

ҲАЁТ БИЛАН БОҒЛАЯПМИЗ

Н. БУЛГАКОВ,
Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси сиёсий маориф кабинетининг мудири.

— Шу кунларда бирлашмамиз коллективи, пропагандистларининг бутун диққат эътибори Ўртоқ Л. И. Брежневнинг партия Марказий Комитети Пленумида сўзлаган ўтқида қўйилган муҳим вазифаларга қаратилган. Унда халқимиз фаровонлигини янада ошириш билан боғлиқ, ҳал қилиниши зарур бўлган бир қатор ақтуал масалалар қўйилган. Булар бевосита бизнинг корхонамизга ҳам тегишлидир. Нетаки, бу вазифалар магзи— меҳнат унумдорлиги ва самарадорлигини оширишга, маҳсулот сифатини янада яхшилашга қаратилган. Бу эса ҳар бир кишидан бутун куч, тажриба ва билимини шу ишга бағишлашни талаб қилади.

Корхонамиз сиёсий маориф системасидаги барча мактабларда дастлабки машғулотлар «Партиянинг кучи—халқ билан бирликда. Халқнинг кучи партия билан бирликда, партия раҳбарлигида» мавзуига бағишланди. Айниқса «Билим» жамияти лекторий Э. Дадашевнинг тингловчилар ҳузурида ўқиган лекцияси кўпчиликда яхши таассурот қолдирди.

Ўқув бошидаёқ партиямизнинг ўн биринчи беш йиллик ва унинг тўнғич йили учун қўйган гоят муҳим вазифаларини ҳар бир тингловчи қалби ва онгига сингдириш, партия режалари ҳалқимиз дилидаги режалар эканлигини, бу режаларни амалга ошириш эса ҳар биримизнинг куч ва ғайратимизга, маҳорат билан иш юритишимизга боғлиқ эканлигини тушунтириш катта аҳамиятга эга, албатта. Ўртоқ Л. И. Брежнев: «Ҳар бир коммунист... ўз участкасида бутун куч, тажриба ва билимини резервларни қидириб топишга, меҳнат самарадорлигини оширишга сарфлайдиган бўлиши керак, меҳнатдаги фидокорликнинг муносиб намунасини кўрсатиши лозим», деб таъкидлади.

Пропагандистларимиз бу фикрдан келиб чиқиб, тингловчиларнинг сиёсий ва меҳнат активлигини янада оширишга интилмоқдалар Масалан, ёш коммунистлар мактабида тингловчилар тўрт группада таълим олишяпти. Л. Комарова, Л. Усачёва сингари пропагандистлар машғулотларни бирлашма коллективи ҳаёти билан узвий боғлаб олиб бормоқдалар.

Марксизм-ленинизм асослари мактабида олти группа шуғулланмоқда. Уларнинг қатнашчилари КПСС тарихи, КПССнинг иқтисодий ва социал сиёсати, коммунистик аҳлоқ ва бошқа курсларни мунтазам ўрганадилар. Уларда И. Тарасенко, В. Аништенко сингари моҳир пропагандистлар машғулотлар ўтказиб, партиямиз Марказий Комитети ноябрь Пленуми томонидан қўйилган вазифаларни бажаришга меҳнат коллективларини сафарбар этиш улкан режаларни ҳаётга татбиқ этиш учун курашмоқдалар.

А. Гришкович ва А. Ивашкин илмий коммунизм мактабларида машғулотлар олиб боришади. Олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган коммунистлар бу мактабларда КПССнинг тарихий тажрибасини, партиянинг иқтисодий сиёсатини ҳўжалик механизмини такомиллаштириш, КПСС идеология ишининг актуал масалаларини ва бошқа курсларни ўрганадилар. Жаъмя 15 пропагандист фаол иш олиб борляпти. Корхона партия комитети янги методик совет тузди. Совет ўз иш планига эга. Ў пропагандистлар учун барча зарур методик ва амалий ёрдам кўрсатмоқда.

ҒОЯВИЙ ЧИНИҚИШ МАКТАБИ

Г. МАКЛАКОВА,
Тошкент лак-бўёқ заводи партия ташкилотининг секретари.

— Янги ўқув йили бошланиши бутун мамлакатимиз ҳаётидаги шонли воқеаларга тўғри келди. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Эсдаликлар» асарини, КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми ва ўнинчи чақириқ СССР Олий Советининг VI сессияси материалларини ўқидик.

«Эсдаликлар» асарида шундай сатрлар бор: «Ишчи буюк меҳнаткаш, унинг чидами битмас-туганмас, у ўз ишини пухта билади ва уни яхши бажаришга одатланган». Ишчи синфини, жонажон она Ватанимизни улуғлаш туйғуси билан тўлиб тошган «Эсдаликлар»ни корхонамизнинг ҳар бир ишчи-хизматчиси, инженер-техник ходими зўр қизиқиш билан кутиб олди. Мен ғаройиб бундан бошлаганимнинг сабаби КПСС тарихини, унинг иқтисодий ва социал сиёсатини, КПСС идеология ишининг актуал масалаларини ўрганиш иштиёқи билан машғулотларда актив қатнашаётган тингловчилар бу асардан ўзларига бой таассурот олмоқдалар.

Бизда сиёсий маориф системасида ўттита мактаб ишламоқда. Уларга ўн беш моҳир пропагандист биркитилган. Шундан ўн бир киши олий маълумотга эгадир. Улар 5 та марксизм-ленинизм асослари мактабида, иккита илмий коммунизм мактабида машғулотлар ўтказишади. Булар Александр Енрихович Рейт, Альберт Петрович Шаралло, Василий Иванович Афанасьев ва бошқалардир. Тўртта иқтисодий таълим мактабида ҳам тингловчилар янги ўқув йилини уюшқоқлик билан бошладилар.

Ўқувни ҳозирги талаблар даражасига кўтариш, уни ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал этиш билан узвий боғлаб олиб бориш КПСС Марказий Комитетининг «КПСС Съезди қарорлари асосида партия ўқувини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорида атрофлича баён этилган. Биз ана шу талаблардан келиб чиқиб, ўқувнинг ғоявий-назарий мазмуни ва актуаллигини бойитишга, пропагандистларимизнинг ғоявий-тарбиявий ва пропаганда фаолиятини ошириш катта аҳамиятга эга бўлаётганлигини таъкидламоқдалар.

Машғулотларда тингловчилар активлигини ошириш пропагандистларимизнинг ғоявий-назарий галдаги вазифасидир. Улар назарияни ўрганишни тингловчиларни қизиқтираётган ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаёт масалалари билан боғлаб олиб бориш ва машғулотларни ҳар томонлама қизиқарли ва мароқли ўтказишга интилмоқдалар. Тингловчилардан Светлана Тен, Евгений Здерев, Анатолий Артёмович Норенко сингари кишилар олган билимларини амалда қўллаш намуналарини кўрсатишган. Улар ишлаб чиқаришда ва жамоат ҳаётида ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келишяпти.

Корхона партия ташкилоти ўқувга тайёргарлик ва уни такомиллаштириш масалаларини бир неча бор муҳокама қилди. Ўқув машғулотларининг қандай бораётгани, пропагандистлар иши ва тингловчилар активлиги бундан буён ҳам доимо диққат эътиборимизда туриб кадрлар билан ишлашга муҳим эътибор беряпмиз.



Венгрияда узум узиш ҳамиша байрамга айланиб кетади. Қишлоқ аҳли байрам либосларини кийиб, қўшиқ айтишади, рақсга тушишади.
СУРАТДА: Бунқда (Ноград областида) ҳосил байрами.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ҲИСОБОТ ЙИҒИЛИШИ

БУДАПЕШТ. Венгрия социалистик ишчи партиясининг бошланғич ташкилотларида масъулиятли давр — ҳисобот йиғилишлари бошланди. Йиғилишларда коммунистлар партия XII съезди қарорларини бажаришга оид ишларнинг якунларини муҳокама қилмоқдалар. Бундай йиғилишларда беш йилликнинг ушбу йили планн бажарилишига алоҳида эътибор берилмоқда. ВСИП аъзолари ҳозирги вақтда ўз куч-ғайратларини ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, саноатда, транспортда, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, ҳом ашёни ва энергияни тежаб-тергашга қаратмоқдалар. Бу борадаги ишлар ҳозирнинг ўзидаёқ яхши самаралар берди.

Коммунистлар йиғилишларда сўзга чиқиб, партия ташкилотларининг идеологик ишларини доимо такомиллаштириб бориш, уларнинг ғоявий-тарбиявий ва пропаганда фаолиятини ошириш катта аҳамиятга эга бўлаётганлигини таъкидламоқдалар.

ИҚТИСОД ҚИЛИНГАН МЕТАЛЛДАН

СОФИЯ. Варнадаги В. Коларов номли комбинатда ярим йил давомида тежалган металлдан 150 та дизель мотори тайёрлаш мумкин. Корхона коллективи шу давр ичида 4,5 мингта мотор ни ишлаб чиқариш, синовдан ўтказиш учун етадиган даражада ёқилғи иқтисод қилди.

Материаллар, энергияни тежаб-тергаш ва маҳсулот таннархини арзонлаштириш юзасидан бундан бир йил илгари корхона мутахассислари ишлаб чиққан программани амалга ошириш натижасида бундай муваффақиятга эришиш мумкин бўлди. Моторларнинг ва автомобиллар учун моторлар тайёрлаб берадиган комбинатда электр асбоб-ускуналаридан тежамкорлик билан фойдаланиш усули жорий этилди. Моторлар сифатига зарар етказмаган ҳолда уларни синаб кўриш муддатлари қисқартирилди. Моторларнинг конструкцияси ҳам ўзгартирилди: улар янада оддий, пишиқ бўлиб қолди, уларга материаллар сарфи камайтирилди.

МОЛИЯ МИНИСТРИНИНГ ҚАРОРИ

ВАШИНГТОН. АҚШ молия министрлиги спиртли ичимликлар, тамаки маҳсулотлари ва ўқ отиш қуроли устидан контроллик қилувчи ҳамда шу маҳкамага кирувчи бюрони тугатишга қарор берганлигини эълон қилди. Министрлик вакилининг сўзаларига кўра, бу қарор «бюджетни тежаш» мақсадида қабул қилинган.

Бироқ Америка матбуотининг қайд этишича, бунинг ҳақиқий сабаби бутунлай бошқа нарсададир. Эслатиб ўтилган бюро мамлакатда қурол-яроғ савдосини жуда бўлмаса, ҳўжа кўрсинга контроллик қилиб турган бирдан-бир федерал орган эди. Деярли мутлақо самарасизлигига қарамай, бюро ўзи ташкил этилган бутун давр мобайнида ўз ишлари устидан ҳар қандай контролликни тугатишга интилган қудратли «ажал савдогарлари» компанияларн томонидан қилинган ҳужумларнинг нишони бўлиб келди. Улар Рейган маъмуриятидек жуда бақувват мададга эга бўлиб пировард натижада ўз мақсадларига эришдилар.

Ҳозир обзорчилар: ўқ отиш қуроли бемалол тарқатилаётганлиги мамлакатда гоят тез ўсиб бораётган жиноятчиликнинг бош сабабларидан бири бўлиб қолаётган экан, маъмуриятнинг ана шу жиноятчиликка қарши кенг кампанияни авж олдириб юбориш тўғрисида айтаётган гапларига ишониб бўладими, — деган саволни бермоқдалар. Расмий маълумотларга кўра, ҳозир америкаликлар қўлида 100 миллиондан кўпроқ ўқ отиш қуроли бор. Ўтган йили ана шу қуролни қўлланиш натижасида 10 минг киши ҳалок бўлди. америкаликлардан 100 минг киши қуролли талончиликдан жабр чекди.

ФОЖИАНИНГ АСОСИЙ АЙБДОРИ

КАРАКАС. АҚШ империализми Пуэрто-Рико халқининг бошига тушган фожианинг асосий айбдоридир, Пуэрто-Рико социалистик партиясининг Бош секретари Хуан Мари Брас бу ерда «Насиональ» газетасида босилган суҳбатида шу гапларни айтди.

Вашингтон, деб таъкидлади Пуэрто-Рико социалистик партиясининг раҳбари, аслини олганда Пуэрто-Рикони ўз ерига қўшиб олди ва Лотин Америкасидаги бу мамлакатни АҚШнинг мустамлакасига айлантирди. Пуэрто-Рико территорияси Пентагоннинг жуда катта ҳарбий полигони бўлиб қолди. Бу мамлакатда қитъа халқларининг империализм асоратига қарши, ўзининг чинакам миллий ва социал озодлиги учун олиб бораётган фидокорона курашини бостиришга мўлжалланган жазо бўлинмалари н и н г машқлари кучайтириб юборилди. Америка ҳарбийлари ҳозирги вақтда бу ерда навбатдаги маневрларни ўтказмоқдалар. Бу маневрларда денгиз пиёдаларидан бир неча минг киши, 40 дан ортиқ ҳарбий кема, шу жумладан 2 авионосец қатнашмоқда. Бу маневрлар АҚШнинг Кубага, Никарагуага, Сальвадор ва Региондаги бошқа мамлакатларнинг халқларига қарши интервенциячилик руҳидаги шум ниятларининг таркибий қисмидир.

Кўп миллатли корпорациялар Пуэрто-Рико халқини қолоқлик, очлик ва қашшоқликка дучор қилдилар. Мамлакат аҳолисининг салкам 40 процентн ишсиздир.

Пуэрто-Рико давлатининг мустақиллиги учун кураш мушкул аҳволдан қутулишнинг бирдан-бир тўғри йўлидир. Сиёсий ва революцион кучлар кейинги вақтларда Вашингтоннинг оролни мустамлака ҳолида сақлаш статусини абадийлаштиришдан иборат шум ниятларига қарши умуммиллий норозилик ҳаракатини кучайтирдилар. Бутун жаҳондаги демократик кучларнинг кучайиб бораётган интернационал бирдамлиги, деб уқтириб ўтди Хуан Мари Брас, уларни рағбатлантирувчи қудратли омилдир.

АҚШда вабо

ПАРИЖ. Ўрта асрларнинг даҳшатли иллатли—вабо Қўшма Штатларда ҳали бутунлай тугатилган эмас, Франс-Пресс агентлигининг мухбири Америкаининг Колорадо штатида жойлашган Денвер шаҳридан ана шуни хабар қилди.

Америка санитария хизматининг маълумотига кўра, деб уқтиради мухбир. 1965 йилдан 1980 йилгача ўтган давр ичида АҚШда кишилар вабога йўлиққан 147 ҳодиса қайд этилган. 23 киши ўлган.

Бу касаллик АҚШ гарбидаги 14 штатда айниқса тез-тез чиқиб туради. Шу жиҳатдан олганда Нью-Мексико, Калифорния ва Техас штатлари энг кўп вабо чиқиб турадиган штатлардир.

Форт—Колинсдаги (Колорадо штати) юқумли касалликларни контроллик қилувчи марказ ходими А. Барнес кейинги йилларда мамлакатда вабо тез-тез чиқиб турганлигини маълум қилди. 1965 йилгача вабо билан йилига ўрта ҳисобда 1 киши оғриган бўлса, кейинги ўн беш йил мобайнида АҚШда ана шу даҳшатли касалликка ҳар йили 15—16 киши дучор бўлмоқда. Америка соғлиқни сақлаш хизмати вабога қарши курашда ўзининг мағлуб бўлганлигини амалда эътироф этаётганлигини айтди. «Олимлар,— деб уқтиради Франс-Пресс агентлиги, — вабони таг-томири билан батамом йўқ қилишга қодир эмасликларини тан олмоқдалар».

Бироқ маҳаллий кузатувчиларнинг қайд этишларича, гап Америка медикларининг заифликларида эмас, асло. АҚШнинг бутун соғлиқни сақлаш системаси федерал маъмурлар йил сайин унинг эҳтиёжларига бюджет маблағларини қисқартираётганл и г и сабабли рўй берган ўткир кризисни бошидан кечирмоқда.

Мажбуриятлар изидан

СССР 60 йиллигини МУНОСИБ КУТИБ ОЛАМИЗ

Ленин ва Фрунзе районлари мусобақаси

Шу кунларда икки мусобақадош район—қинг саноат, транспорт ва алоқа корхоналарида шоили сана — СССРнинг 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақа эришилган ғалабалар, 1982 йил учун режалар ҳақида ҳикоя қилинади.

1 пойафзал фабрикаси фрезерчиси Тўлаган Мусаев шундай дейди: «Беш йилликнинг иккинчи йили учун белгиланган шахсий планни бажардим. Фақат шу йилнинг декабрь ойи охиригача қўшимча 90 минг пойафзални қайта ишлайман.»

Мана, «Минмонтажспецстрой» ва «Узсталконструкция» коллективларининг рапортлари: йиллик топшириқ 6 ноябрга бажарилди. Беш йилликнинг иккинчи йили ҳисобига 3,7 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилади, қўшимча 3,6 миллион сўмлик товар маҳсулот реализация қилинади.

Бундай рапортларни ўқиш мароқлидир. Бунда зарбдор вахта нафаси уфуриб турибди, мамлакат ҳаётидаги шонли санани янги меҳнат муваффақиятлари билан нишонлаш учун қизғин интилиш ифодаланган. Булар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг учинчи Пленуми қабул қилган «Республика меҳнаткашларининг СССР 60 йиллигини муносиб кутиб олиш ва КПСС XXVI съезди қарорларини муваффақиятли адо этиш учун социалистик мажбуриятлари» қарорига, унда айтилган социалистик мусобақани янада юксак даражага кўтариш, ҳар бир меҳнат коллективида ижодий изланиш муҳитини юзага келтириш бўйича кўрсатмаларга амалий жавобдир.

Фрунзе районн индустрияси ходимлари социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириш асосида 1982 йилнинг 22 декабридан кечиккмай беш йилликнинг икки йили планини бажариш ва қўшимча 9,5 миллион сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришга қарор қилдилар. Бунда ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг 90 процентига меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига эришилади.

Мамлакат халқ хўжалигига планга қўшимча олтита тўқимачилик машинаси, 700 минг метр ип-газлама, 60 минг жуфт пойафзал етказиб бериш белгиланди. Моддий ресурсларни тежаш ҳақида ҳам алоҳида ғамхўрлик қилинаяпти. 1981—82 йилларда 80 миллион киловатт-соат электр энергияси, 130 тонна металл, 3.200 тонна цемент тежалади.

Район қурувчилари ҳам катта марраларни белгилашди. Шу йилнинг ўзида абразив комбинатида олмос асбоблар цехи, «Таштекстильмаш» заводида қуюв цехи, пластмасса буюмлари ва рўзғор буюмлари заводида пластификатлар цехи фойдаланишга топширилади.

Ишнинг бригада методини жорий этишдан биз катта самара кўряпмиз. Фақат қурилишда келаси йил охиригача бу усулда 50 процент ҳажмидаги қурилиш-монтаж ишлари бажарилади.

Шу билан бирга меҳнатнинг илғор формасига ҳамма жойда ҳам эътибор бериляпти, деб бўлмайди. Жумладан, тўқимачилик комбинатида янгилик яхши жорий этилмаяпти. Бу ерда бригада методида ишлашга ишчиларнинг атиги уч процентн жалб этилган. Корхоналар ва ташкилотларда КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1981 йил) Пленуми талаблари асосида ишлаб чиқаришни ташкил этишни, хўжалик юритиш усул ва методларини янада такомиллаштириш лозим.

Январь—октябрь ойларидаги социалистик тети саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа мусобақа якунини Фрунзе район партия комитетининг мудири Р. НОРБОЕВ шарҳлайди:

— Шу кунларда Фрунзе район партия комитетига меҳнат вахтасида турган коллективлардан меҳнат рапортлари келяпти. Уларда СССР 60 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақада эришилган ғалабалар, 1982 йил учун режалар ҳақида ҳикоя қилинади.

Мана, «Минмонтажспецстрой» ва «Узсталконструкция» коллективларининг рапортлари: йиллик топшириқ 6 ноябрга бажарилди. Беш йилликнинг иккинчи йили ҳисобига 3,7 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилади, қўшимча 3,6 миллион сўмлик товар маҳсулот реализация қилинади.

Бундай рапортларни ўқиш мароқлидир. Бунда зарбдор вахта нафаси уфуриб турибди, мамлакат ҳаётидаги шонли санани янги меҳнат муваффақиятлари билан нишонлаш учун қизғин интилиш ифодаланган. Булар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг учинчи Пленуми қабул қилган «Республика меҳнаткашларининг СССР 60 йиллигини муносиб кутиб олиш ва КПСС XXVI съезди қарорларини муваффақиятли адо этиш учун социалистик мажбуриятлари» қарорига, унда айтилган социалистик мусобақани янада юксак даражага кўтариш, ҳар бир меҳнат коллективида ижодий изланиш муҳитини юзага



Шаҳримиздаги «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан тайёрланаётган темир йўл транспорти учун кўтарма кран механизмларига бўлган талаб ой сайин ортиб бормоқда.
СУРАТДА: йигув цехининг мастери А. Кизнер (чапда) ва ишчи Б. Салимовлар иш жараёнида.
М. Нуриддинов фотоси.

«Тошкент оқшоми»да босилгандан кейин

«АҲОЛИ ҚИЙНАЛМОҚДА»

Шу сарлавҳали материалда Сергели аҳолиси озиқ-овқат магазинлари танқислигидан қийналаётгани кўрсатилган эди.

Шаҳар савдо Бош бошқармасидан олинган жавобда бундай дейилади: Сергелидаги 7-тупар-жой биносида Ташхлебторг ўзининг 130-магазинини очиб, ишга туширди. Яна шуни ҳам маълум қиламизки, беш юз метр радиусда Сергели райпишчеторгнинг 4-магазини ишлаб турибди. Шунингдек, бу магазиннинг гўшт, нон ва сабзавот билан савдо қилаётган алоҳида-алоҳида филиаллари мавжуд. Ҳозир савдо маркази қурилмоқда. Бу ерда аҳоли учун зарур ҳам озиқ-овқат, ҳам саноат моллари билан савдо қилинади. Бундан бир чақирим радиусда «Сергели» савдо ярмаркаси ишлаб турибди.

«ЎРИНДИҚНИ НЕГА ОЛИБ ТАШЛАШДИ?»

И. Франко кўчасидаги аҳоли ҳордиқ чиқарадиган скамейкалар негадир сабабсиз олиб ташланган ҳақида юқоридаги сарлавҳали материалда шикоят қилишган эди.

Чилонзор район ободонлаштириш бошқармаси бу кўчадаги скамейкалар қайта жойига қўйилганини маълум қилади.

«ҲЎБ ДЕБ ҚУТИЛИШЯПТИ»

Газетанинг шундай сарлавҳа остида босилган материалда Сағбон кўчасининг 23-тупигида чироқ йўқлиги танқид қилинган эди.

Собир Раҳимов район ижроия комитетидан олинган жавобда кўрсатилишича, кўчага чироқ ўрнатилган ва у нормал ишламоқда.



Италияда болалар меҳнатидан фойдаланиш тобора кенг тус олган. Қашшоқ оилалар ўз фарзандларини ҳар қандай ишга юборишга мажбур бўлмоқдалар. Мамлакатда 1976 йилда бир қатор корхоналарда болалар ва ўсмирлар меҳнатидан фойдаланишни тақиқлаган қонун қабул қилинган бўлишига қарамай, корхона эгалари бу арзон ишчи кучидан кенг фойдаланишга интилмоқдалар.
СУРАТДА: ўн уч яшар Жузеппе Неаполь кафеларидан бирида официант бўлиб ишлашга мажбур бўлмоқда.
ТАСС фотохроникаси.

СТУДЕНТЛАР ЗАБАСТОВКАСИ

НЬЮ-ЙОРК. Пуэрто-Рико маъмурлари забастовкачи студентлар вакиллари билан музокаралар бошлашга розилик бердилар. Ўқишни ташлаган студентлар ўқийдиган университет оролдаги энг йирик Пуэрто-Рико олий ўқув юрти, Рноо-Пьедрас шаҳрида жойлашган.

Университетнинг 4 мингга яқин талабаси бир ойдирки, маъмурларнинг шусиз ҳам қимматга тушган ўқиш ҳақини уч баравар ошириш тўғрисидаги қарорига қарши норозилик белгиси остида машғулотларга қатнамай қўйдилар. Студентлар забастовкасининг ташкилотчилари илм-олиш нархи ошиб бораётганлиги Пуэрто-Рико йигит ва қизларининг ниҳоятда кўпчилиги учун университет эшикларини бутунлай ёпиб қўяди, деб таъкидлайдилар. Орол губернатори Ромеро Барсело Пуэрто-Рико жамоатчилигининг норозилиги кучайиб кетишидан қўрқиб, забастовкани бостириш учун қуролланган полициячиларни яна ёрдамга чақиришга ботинолмади. Бундан уч ҳафта аввал губернатор бўйруғига биноан. Рио-Пьедрасдаги студентлар шаҳарчаси ёпиб қўйилиб, шаҳарча территориясига полициячиларнинг кучайтирилган наряд лари олиб кирилган эди. Маъмурлар ўшанда забастовка раҳбарларини қамоққа олиб, унинг барча иштирокчилари университетдан ҳайдалади, деб эълон қилган эдилар.

Бироқ репрессиялар талабаларни чўчита олмади. Улар ўз ўртоқларининг озод этилишига эришдилар ва ўз талаблари тўла қондирилишини учун курашмоқдалар. Улар илм олиш учун тўланадиган ҳақнинг оширилиши тўғрисидаги қарор бекор қилинишини, репрессиялар тўхтатилишини ва студентлар университетга қайтадан қабул қилинишини талаб қилмоқдалар.

В. МОСТОВЕЦ.

Ҳикматлар мажмасидан

Инсонийлик ҳақида

● Саҳоватли одамнинг қадр-қиммати доим улуғ, йўли равон бўлади.

● Яхшилик қилганда кўнгли тоғдек кўтарилган одамнинг дили биллур каби софдир.

● Бахтсиз кишига ҳамдард бўлган одам бахт қадрини билади.

● Яхшилик қилишни билган одам ҳеч кимга ёмонликни раво кўрмайди.

● Бир ҳаким айтади:
— Кимки яхшилик қиламан деб ҳаддан ташқари кўп ўйлайверса, яхшилик қилишга вақти қолмайди.

● Абдураҳмон Жомий айтади:

Яхши ҳулқли бўлгил ҳамда соф кўнгил,
Одамларга доим инсофли бўлгил.
Бу меҳнатхонада яхшию ёмон
Учрайди, яхшилик қилавер ҳамон.

● Алишер Навоий айтади:
— Ҳар ғанийки, тириклигида эҳсонидин кўнгилларни шод қилмағай, ўлганидан сўнг ани кимса дуо билан ёд қилмағай.

Ҳаёт ширин

● Одам икки марта яшамайди, лекин бир марта яшашни ҳам билмайдиганлар бор.

● Яхши ўтган қисқа умр ҳам чинор умрига тенгдир.

● Ҳаётинг мазмуни серҳосил бўлса қувон, умр вақт билан эмас, мазмуни билан ўлчанади.

● Мавлоно Саъдий айтади:
Тирик улки, ундан кейин қолса жой —
Ҳовуз, кўлу кўприк-ла карвонсарой.

● Ҳаётни ҳаёл билан эмас, ҳаракат билан ўтказган одам оқилдир.

● Бир шоир айтади:
Шарафли иш билан тезкор замонга,
Ким сайқал беролса ҳушбахтдир ўша.

● Мазмунсиз ўтаётган ҳар бир кун умр ўтган сари исиз ўчиб бораверади.

Ҳикоят: Ўлим тўшагида ётган бир оғир беморга бир доно тасалли бериб дебди:
— Бир қуш бор экан. У баҳор ва ёз, куз ва қиш фасларини ўтказиб, яна бир баҳор кўрибди. Шунда қуш айтибди.
— Эй табиат, агар бу фасллар қайтарила берса, менга ҳаётнинг ҳеч янгилиги ва қизиги йўқ, бир йил яшасам бўлади.
Байт:
Ўйлаб ол ишингни ва олисга боқ,
Ўйлаб ул ишингни, кейинга сурма.

Дўстлик қадри

● Кимки дунёда дўст орттирмаса, уни дунё ҳам танимайди.

● Дунёдаги ҳамма иззат-икромлар ҳам биргина дўстнинг ўрнини босолмайди.

● Қобус айтади:
— Яхши дўст — туганмас хазина.
Ҳикмат: дўстлик туфайлигина одам бахтли бўлади.

● Алишер Навоий айтади:
— Дўстлар фикридин ва душманлар макридин бепарволиғ жоиз эрмас ва бу иш надоматдин ўзга натижа бермас.

● Чинакам дўст очиқчасига, мунофиқлик ва хушомадгўйликдан ҳоли бўлади.

● Жалолиддин Румий айтади:
Донога ёндошгил, қоч нодондан сан.
Хатто у хавфлидир доно душмандан.

Муомала ҳислати

Ҳикоят: Фирдавсдан сўрадилар:
— Мулозимларни қандай ром қилиш мумкин?
Айтди:
— Хушмуомалалик ва сабр билан.
Сўрадилар:
— Мушкулликни нима билан бартараф қилиш мумкин?
Айтди:
— Хушмуомалалик ва келишув билан.

● Абулқосим Фирдавсий айтади:
Ҳар ишда яхшидир юмшоқ сўзласанг,
Яхшимас бошдан жанжал кўзласанг.


● Ким ўзгаларга носамимий бўлса, ўзига ҳам самимийлигини йўқотади.

● Самимий ва хушмуомалалик софдиллик нишонидир, бу фазилат камдан кам одамларда бўлади.

Ҳикоят: Нўширвону Одил доно вазири Бузургмеҳрдан сўради:
— Мулойимлик қандай бўлади?
Жавоб берди:
— Мулойимликнинг нишонлари бор. Бири шуки, қовоқ солиб, қаттиқ гапирган одамга очиқ юз ва ширин сўз билан жавоб берилади. Ёмон феъл билан жонни оғритган одамга яхши феъл билан жавоб қайтарилади.
Мулойимликнинг иккинчи нишонаси — ғазаб ўти шуъла уриб, унинг даҳшати ҳаддан ошиб кетса, ўзни тутиб, уни ўчиришдир. Шундай қилганда кишининг дили ҳам, руҳи ҳам таскин топади.
Мулойимликнинг учинчи нишонаси — гуноҳкорга айб қўяётганда ғазаб ўтини сўндириш, чуқур ўйлаб иш тутишдир. Шуни ҳам билмоқ керакки, баъзи вақтда ғазаб мулойимликдан яхшироқдир.
Ўзидаги таъма ва хирсни йўқотиш учун қилинган ғазаб фойдалидир. Оқил киши ғазаб ва мулойимлик қаерда ва қайси пайтда муносиб эканини билмоғи ва уларни ўз жойида ишлатмоғи лозим.

● **Ривоят:** Бир дилозор бемордан ҳол сўради:
— Сизга нима бўлди?
— Юрагим ўйнайди.
— Ишингиз чатоқ, бу касалликдан ҳеч ким тузалмаган, ҳар ҳолда фарзандларингизни чақириб, васият қилиб қўйинг.
Бемор дарҳол фарзандларини чақириб айтди:
— Бундан кейин мана бу дилозорни менинг ҳузуримга асло киритманглар.
Байт:
Юмшоқликдан жуда кўп дил ром бўлур,
Қўполликдан пишиқ қайта хом бўлур.

Т. РАСУЛЕВ тайёрлаган.



БОШ ПЛАНДАН БИР ЛАВҲА

Кўркам бино

Пойтахтимизни н г Халқлар дўстлиги проспекти кун сайин гўзаллашиб бормоқда. Проспектнинг иккала ён томонида янги уй-жой кварталлари, маданий-маиший объектлар, савдо муассасалари қад ростлаяпти. Айни пайтда унинг кўпгина қисмини янги ободонлаштирилган зоналар билан кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Айниқса проспектнинг «Собир Раҳимов» метро станцияси ва «Тошкент» автовокзали жойлашган территориясида бир қатор янги саноат объектлари қурилиб, ишга туширилмоқда. Бу янги корхоналар орасида «Ўзбитхимпласт» ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўрт қаватли янги муҳташам комплекси ўзининг архитектура кўриниши жиҳатидан алоҳида ажралиб туради.

Шаҳримиздаги «Ўзгипротяжпром» лойиҳалаш институти меъморлари томонидан яратилган корхонанинг янги биноси лойиҳасида бу ерда турли хил янги типдаги халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун барча шароитлар кўзда тутилган. Архитектор С. Муратов раҳбарлигидаги лойиҳа бош инженери А. Гаффаров ва бош архитектори С. Саидазимовлардан иборат ижодий коллектив корхонанинг янги биноси лойиҳасини яратишда замонавий меъморчилик ютуқларига таяниб иш кўрдилар. Бунга асосан «Халқлар дўстлиги» проспектининг Волга автомаркази ихтисослаштирилган техник хизмат кўрсатиш станцияси ёнида қурилаётган бирлашма маъмурий-маиший ва лаборатория корпусида маъмурият, турли лабораториялар ва бўлимлар бир-бирига қулай ҳолда жойлаштирилган.

Пластмассадан янги хил халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш бўйича ижодий иш олиб борадиган лабораториялар ҳам ана шу бинода жойлашади. Шунингдек, янги бинода пластмассадан ташқари бошқа буюмлардан ҳам халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш бўйича изланиш амалга оширладиган турли хил замонавий технология жиҳозлари ўрнатилади. Асосий тўрт қаватли бинонинг ён томонида эса унга туташ қаватли ёрдамчи корпус қурилади. Унда 150 ўринли ошхона ва 300 ўринли мажлислар зали жойлашади. Бу биноларга эса заводнинг бир қаватли тажриба эксперименталь корпуси туташади. Улар бир бутун ҳолда ягона меъморчилик ансамблини ташкил этади.

Корхонанинг янги биноси билан проспект оралиғидаги территория ободонлаштирилиши учун кичик архитектура формалари қўлланади, енгил машиналар тўхтайдиган махсус жойлар ташкил этилади, кўкаламзорлаштирилган зона вужудга келтирилади.

СУРАТДА: «Ўзгипротяжпром» институти меъморлари томонидан лойиҳаланган «Ўзбитхимпласт» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Халқлар дўстлиги проспектида қад кўтараётган янги маъмурий-маиший ва лаборатория корпуси эскизи.

И. Шониёзомов фотоси.

Шанба оқшоми

У куйлаяпти

(ШИНГИЛ ҲИКОЯ).

У куйлаяпти. Жўшиб-тошиб куйлаяпти... Кўриб турибман, менинг собиқ, студентлик дўстим куйлаяпти...

У илк қўшиғини яратганда биз қанчалар қувонган эдик. Ўшанда тор ушлаб қўшиқ сеҳрига берилиб жўшиб куйлаётган дўстимнинг ёш чеҳрасига боқиб, унда юксак талант учқунларини кўргандим. Назаримда торгина хонамизда куйланаётган қўшиқ қанот қоқиб бутун борлиққа таралаётгандай эди. Чунки бу қўшиқ унинг биринчи қўшиғи эди. У бу гал бировларнинг куйини чалиб, бировларнинг қўшиғини айтмади, ўз қўшиғини, ўз талант нишонасини айтди....

Ўшанда мен ҳам, у ҳам ёш эдик. Студентликнинг иссиқ-совуғини бошдан кечириб, романтик дунёда нафас олардик... Кейин у иккинчи, учинчи қўшиқларини яратди. Секин-аста ном қозона бошлади. Бошда уни тўрт юз кишилик ётоқхонамиз аҳли таниди...

Орадан йиллар ўтди. Дўстим асл мақсадига эришди. «Заигори экран»да унинг чапдаст қомати намоён бўлди. Қўшиқларини бутун республика тинглади. У пайтда биз бир биримиздан жуда узоқда яшардик. Аммо мен унинг ҳар чиқишини кузатиб борардим. Талантининг муҳлиси сифатидагина эмас, дўстларининг бири сифатида кузатардим...

Унинг қўшиқлари ёзилган илк пластинкалар магазин пештоқида пайдо бўлганда уйимиздаги эскигина радиоламдан куну тун унинг дилбар овози янграйдиган бўлди. Илк қўшиғи —«Ёшлик»ни тинглаганимда кўз олдимда торгина хонамиз намоён бўлар, шундоқ одам билан ҳамхона бўлганлигимдан фахрланардим. Унинг ижод заҳматини тортиб тўланиб чиқишлари, азият чекишлари бекорга кетмаганлигидан қувонардим. Турган гап у истеъдод эгаси эди... Аммо сўнгги йилларда дўстгинам янги қўшиқлар яратмай қўйди. Бу нима, борини эшитиб турларинг, деганимикан, ё каттароқ ишга қўл урдимикан?..

Мана биз яна учрашдик. Берилиб унинг қўшиқларини тинглаяпман. У жўшиб куйлаяпти. Бироқ бечора дўстгинам бировларнинг куйини чалиб, бировларнинг қўшиғини айтмоқда. Унинг дилбар овозидан тўйдаги бир гала маст-аласталар завқланмоқда эди...

У куйлаяпти, жўшиб-тошиб куйлаяпти. Менинг бечора дўстгинам куйлаяпти...

Нормурод НОРҚОБИЛОВ.

Ҳар тўғрида

ЛОНДОН. Туайфорд шаҳарлик инглиз Колин Томсон ўз уйидан сал наридаги черковда ўрнатилган курантни... судга берди. Айни шу курант сабабидан 6 йилдан бери на кундузи, на кечаси ухлай оламан, деди Томсон. Қадимги соат ҳар 15 минутда занг уриб зарб сонини тўрттадан ўн олтитагача кўпайтириб борганида киши қандай қилиб ҳам ухлай олсин. Бундан ташқари курант ҳар соатда ҳам занг уриб туради, хуллас ярим тунда ва тушда 28 зарбни эшитишга тўғри келади.

∴∴∴

СИНГАПУР. 40 яшар малайялик То Кам Ва жон ҳолатда 5 метрли бўғма илоннинг думини ғарчча тишлаб олганидан кейингина унинг ажал «оғуши»дан халос бўлди, илон бироз бўшашди ва шунда уддабурро киши белбоғидаги пичоғини суғуриб, илонни шартта ўлдирди. Натижада То Кам Ва баданининг бир неча жойини кўкартириб олди холос.

∴∴∴

ТОКИО. Шанба куни Сакурадзима вулқони отилган пайтда бўйи 2500 метрга яқин қалин кул устуни кўтарилди. Кратердан учиб чиққан тошлар вулқон яқинидаги йўлда бораётган бир неча автомашинани шикастлантирди. Курбонлар бўлгани йўқ, жиддий зарар ҳам етказилмади. Шундай қилиб бу йил вулқон 192-марта отилди.

(ТАСС).



А. Навоий номидаги Ўзбек Давлат академик катта опера ва балет театрининг «Пётр Биринчи», «Оптимистик трагедия», «Оловиддиннинг сеҳрли шамчироғи» ва бошқа спектакллари томошабинлар олқишига сазовоор бўлмоқда

СУРАТДА: «Оптимистик трагедия» спектаклидан бир кўриниш.

С. Каган фотоси.

Куз неъматлари

ШИРИН БУЛҒОР ҚАЛАМПИРИ

Бу сабзавот таркибида аскорбин кислотаси мўллиги билан алоҳида ажралиб туради. Айни пишиб етилгани тўқ, қизил ранглисидир. Унинг таркибида витамин С етилмаганига нисбатан олти маротаба кўп бўлади. Кичикроқ бир қалампир истеъмол қилинса, организмнинг С витаминига бўлган кунлик талабини бемалол қондиради. Қалампирни пиширмасдан, тамадди ҳолда истеъмол қилинса, организмга фойдали бўлади. Булғор қалампирдан сабзавотларни тузлашда, соус тайёрлашда ишлатилади. Унинг ўзини алоҳида тузласа ҳам бўлади. Ширин қалампир таркиби картинга (поливитамин А) жуда бой. Юз грамм қалампир таркибида олти ўн миллиграмм каротин, витаминлардан В, B_2, Е, Р ва минерал модда, калий тузи бор.

САЛАТ ТАЙЁРЛАШ

Уругидан тозаланган ширин қалампир ҳалқача шаклида тўғралади. Пиёз, помидор ҳам тўғраб, устига сметана ёки ўсимлик мойи қуйилади. Сиртига тўғралган укроп, кашнич сепилади.

Салатга уч хил рангдаги қалампир ишлатилса салат яна ҳам кўркам чиқади.

Масаллиқ: 300 грамм ширин қалампирга 200 грамм пиёз, 300 грамм помидор, 50 грамм сметана ёки ўсимлик мойи, 10 грамм кўкат етади.

ҚАЛАМПИР ҚИЙМАСИ

Бунинг учун сабзи, пиёз, петрушка ёки сельдрей бир хилда бўлакларга бўлиниб, ўсимлик мойи билан аралаштирилади, сўнг аччиқ томат соус солиб 20 минут давомида ёпиқ кастрюлкада димланади. Сметана қуйиб дастурхонга тортилади.

Масаллиқ: 300 грамм қалампир, 100 грамм сабзи ва пиёз, ош қошиқда ўсимлик мойи, 50 грамм сметана керак.

ҚИШГА САҚЛАШ

Булғор қалампирининг кечкисини банкаларга жойлаб, қишки мавсумга олиб қўйиш ҳам мумкин. Бунинг учун уни уругидан тозалаб ҳалқа шаклида тўғраладиган-да, туз ва майда тўғралган укроп қўшиб аралаштирилади. Бир ёки ярим литрли банкага солиб шишани полиэтилен қопқоқ билан беркитилади.

Масаллиқ: 2 кило булғор қалампири, 5—6 боғ укроп, 200 грамм туз.

Д. АБДУВОСИЛОВА.

• *Ҳайвонот оламини ўрганамиз*

Жосус бўри

Бундан бир неча йил муқаддам чегарага яқин жилғада ёлғиз бўри пайдо бўлгани ҳақида гап тарқалди. У қопқонга илинган ўлжаларни еб кетарди. У Оқсой яқинидаги баланд қоялар устида тез-тез кўриниб, чор атрофга назар ташлар, гўё табиатга маҳлиё бўлаётгандек водийга узоқ вақт термулиб турарди. Агар бирорта овчи пусиб унга яқинлашса, бепарвогина қадам босиб, бетараф чегара зонаси томон йўл олар эди.

Куз пайтида бўри эмаклаб, колхоз қўйларига шу қадар яқин келардики, худди ҳозир бир сакраб, биронта қўчқорни елкалайдигандай. Кейин ўрнидан туриб у ёқ-бу ёқни искади, яна эмаклаб, келган йўлига қайтди.

Бўри нариги томондан келган экан. Чунки колхоз қўйлари нариги томондаги думбали қўйлардан бўлганида, у қуруқ қайтмас эди. У эҳтимол бу ердаги калта оёқ, сержун қўйларни биринчи бор кўраётгандир..

Мамат кандай бўлмасин бу айёрни ўлдиришга қасд қилди: кемирилган сутур гўшти билан йўлига қопқон қўйди. Аммо айёр бўри яхши яширилган қопқонга ҳам чап бериб, илинган сутур гўштини эҳтиёткорлик билан олиб кетаверди.

Энди овчи уни ҳийла билан қўлга туширишга бўлди: қопқонларни қўйиб бўлиб отга миндию йўлга равона бўлди. Ярим йўлга бормай, отдан тушиб, уни тушовлади, аста яширинib қопқон қўйган жой яқинига борди. Бўлиқ пичанзорга яшириниб, чор атрофни кузата бошлади. Мана, қопқонга биринчи тушган сутурнинг чийиллаган овози эшитилди. Орадан бир оз ўтгач, иккинчи, учинчи, тўртинчи сутур қопқонга тушди.

Бирданига чеккадан баҳайбат ҳайвон чиқди. Мамат қай кўз билан кўрсинки, бу ўша чўлоқ бўри эди. Энди у илгаридек йўртиб, сакраб юрмасдан кўкрагини гоҳ кўтариб, гоҳ пастлатиб, худди қўлтиқ таёқда юргандек лапанглаб келарди. У қопқон ёнига яқинлашгач, ер бағирлаб эҳтиёткорлик билан чор атрофга қулоқ солди. Ҳеч бир ҳавф-хатар йўқлигига шубҳаси қолмагач, аста эмаклаб қопқонга яқинлашди. Энг чеккадаги қуруқ қопқон ёнига келди, авайлаб унинг атрофидан айланиб ўтди. Кейин ўрнидан даст кўтарилиб, сутур илинган қопқонга ташланди. Бу сутурни тамомлаб иккинчисига, кейин учинчисига ўтди. Мамат гуноҳкор топилганидан суюниб кетиб, шошилишда милтиқ ўқини алмаштиришни ҳам унутиб, бўри томонга сочма ўқ узди. Бўри жон ҳавфида сакраб, қуруқ сой қирғоғидаги буталар орасига кириб, ғойиб бўлди.

Орадан икки йил ўтгач Мамат овчи тортина ғорда бўри жасадини топиб олди. Изғирин қиш пайти эди. Йиртқичнинг орқа оёқлари қорни остига тортиб олинган, боши олдинги оёғи ўрнида. ёрочни эслатувчи битта оёғига суянган ҳолда шамлек котиб қолипти. Бу Маматга бир неча бор чап бериб чалғитган, қопқондаги сутурларнинг ғаротини берган ўша чўлоқ жосус бўри эди.

Х. ҲАКИМОВ.

Ораста бўлинг

СОЧ ЖИЛОСИ

Сочнинг замирини мустаҳкамлаш ҳамда унга жило ато этиш учун қуйидаги оддий, бироқ синалган амалга эътибор берилса яхши бўлади.

Бир-икки дона тухум сариғини бир ош қошиқ миқдоридаги ўсимлик мойи, жумладан канакунжут, зайтун ёхуд писта ёғи билан аралаштириб иситилади. Чирбанд бўлган аралашма бош терисига уқалаб едирилгач, устидан полиэтилен билан камраб, лунги билан боғлаб қўйилади. Бир соатли фурсатдан сўнг одатдагидек ювилади.

ФОЙДАСИ АНИҚ...

Мутахассис шифокорларимиздан В. Я. Арутюнов лимоннинг ғалати хосияти тўғрисида маълумот келтиради. Киши ҳар ойда бир марта бошини лимон шарбати билан артиб турса, бош терисидаги қон томирларнинг фаолияти яхшиланади, сочни мустаҳкамлашга ёрдам қилади.


Лимонда антисептик ҳислатлар мавжуд бўлганлиги туфайли, сочда мавжуд бўладиган баъзи бир нохуш ҳасталикларга барҳам беради.

Бу ўринда яна шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, лимон томчилари соч учларига тегмаслиги лозим. Лимондан фойдаланилгандан йигирма минут ўтгач, соч чайилади.

Д. ХЎЖАЕВА.

• *Дам олиш соатида*

«Узун номлар» чайнворди



1. Софиядаги футбол клуби. 2. Хабаровск ўлкасидаги шаҳар. 3. Буюк рус шоири Н. А. Некрасов поэмаси. 4. «Ўзбекфильм» киностудияси маҳсулоти 5. М. Шолохов асари. 6. Ўзбек совет ёзувчиси, «Тақдир» романи муаллифи. 7. А. С. Пушкин поэмаси. 8. Ёзувчи Ойбек китоби. 9. Гончар ёзган «Байроқдорлар» трилогиясининг учинчи китоби. 10. Совет болаларининг севимли шоираси, Ленин мукофоти лауреати. 11. Ёзувчи Казакевич романи. 12. Улуғ рус композитори, «Кор қиз» операсининг автори. 13. Чили ватанпарвар қўшиқчиси ва шоири. 14. Л. Н. Толстой романи. 15. Африка қитъасидаги пойтахт шаҳар. 16. Америка адабиётининг атоқли адиби Хемингуэй романи.

Тузувчи: А. МИРЗАЕВ.

21 НОЯБРДАГИ «...ВА...» ЧАЙНВОРДИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

1. «Уруш ва Тинчлик». 2. «Какку ва Хўроз». 3. «Зафар ва Заҳро». 4. «Оталар ва болалар». 5. «Равшан ва Зулхумор». 6. «Рам ва Шам». 7. «Макр ва муҳаббат». 8. «Тоҳир ва Зуҳра».

∴∴∴

«Шанба оқшоми» сахифасидаги кроссвордларга М. Каримова, С. Равшанов, А. Аюбов, А. Орипов, М. Тожиева, С. Нодиров, Ҳ. Мажидов, К. Норқулова, З. Обидова, У. Парпиев ва бошқа ўртоқлар тўғри жавоб ёзиб юборишган. Хат йўллаган оқшомхонларга редакция ташаккур билдиради.

ТО справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Т. АЛИЕВ: Номига ордер ёзилган кўпи фарзандларининг кўпайиши ва уй санитария нормаси жиҳатидан тор бўлиб қолган тақдирда ўз ишхонасида навбатга туриш ва кенгроқ квартира олишга ҳақлими? Ёки шу оилада вояга етиб, ҳозир меҳнат қилаётган фарзанд ўз ишхонасидан квартира олиб чиқиб кетиши керакми?

Жавоб: Халқ депутатлари Совети Тошкент шаҳар ижроия комитети турар жой бошқармасидан бу хусусда қуйидагича жавоб беришди. Янги квартира олаётган кишининг ҳар бир оила аъзосига тўққиз квадрат метр ҳисобидан турар жой майдони берилади. Кейинчалик оиладаги фарзандлар кўпайиб, олинган турар жой майдони ҳар бир кишига олти квадрат метр бўлиб қолганда ҳам санитария нормасига мос ҳисобланади. Борди-ю, турар жой майдони шундан камайиб кетса, унда квартира эгаси ёки унинг ишлаётган бирор фарзанди янги квартира олиш ҳақида ариза бериб, навбатга туриши мумкин.

• • •

Г. НУРМАТОВ: Мен футболга жуда қизиқаман. Айтингчи, спортнинг бу тури сирларини қаерда ўрганиш мумкин?

Жавоб: Волгоград кўчасидаги 81-уйда жойлашган «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамиятида футбол секцияси ҳам мавжуд. Секцияга асосан ёшлар қабул қилинади. У ерга метро орқали бориш жуда қулай. СССР 50 йиллиги станциясида тушиб юқорига чиқсангиз жамият биносига дуч келасиз. 77-06-47, 77-82-70 телефонларига қўнғироқ қилиб қўшимча маълумотлар олишингиз мумкин.

∴∴∴

Б. АШУРОВ: Соқчи бўлиб ишлаб, 70 сўм маош оламан. Ишхонамдаги бухгалтерлар мендан бўйдоқлик солиғи ушлаб қолишяпти. Шу тўғрими?

Жавоб: Нотўғри. Белгиланган тартибга кўра 70 сўм маош олаётган ишчи ва хизматчи, шунингдек ҳодимлардан ҳеч қандай солиқ олинмаслиги лозим. Агар ойлик маошингиз 71 сўм бўлгандагина сиздан бўйдоқлик солиғи ушлаб қолишлари мумкин эди.

• • •

М. СУЛТОНОВ: Дўстим халқ хўжалиги институтининг биринчи курсида ўқир эди. У иккинчи семестр имтиҳонларини топшира олмай ўқишни ташлаб кетди. Чўлдаги совхозга бориб бир йил ишлади ва бу ҳақда справка олиб келди. Айтингчи у институтнинг биринчи курсида ўқишни давом эттира оладими?

Жавоб: Тартибга кўра оғир касалликка учраган ёки оиласида бахтсиз ҳодиса юз берган олий ўқув юртларининг студентларига кейинчалик ўқишни давом эттириш ҳуқуқи сақлаб қолинган ҳолда бир йилгача академик отпуска берилади. Сизнинг дўстингиз институтдан фанларни ўзлаштира олмаганлиги ва имтиҳонларни топшира олмаганлиги учун кетган. Бундай кишилар олий ўқув юртида ўқиётган студентлар рўйхатидан чиқарилади. Бинобарин, дўстингиз ўқишни давом эттиришга ҳақли эмас. У киришимтиҳонларини яна қайтадан топшириши лозим.

Газетанинг навбатдаги сони 1 декабрда чиқади.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.



— Нега қайтимимни бермай без бўлиб турибсиз?

— Буни магазинимиз мудиридан сўранг.



— Бир яқин дўстингиз туғилган кунларига нима совға қилайлик деб сўраяпти.

— Машинамга битта мотор олиб келсин.



— Белим оғрийди, кўп юрсам оёгим оғрийди, шунга бирор дори бер, қизим.

— Нечага кирдингиз, отахон?

— Бир юз бирга кирдим, қизим.



— Учинчи неварамиз нега уйланмай юрибди, бувиси.

— Алимент тўлашдан қўрқармиш...

Е. Одилов расмлари.

Ҳафталик программа

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

30 НОЯБРЬ — ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.15 «Время». 9.55 Эрталабки гимнастика. 10.20 Болалар учун фильм. «Қизил хўроз Плимутрок». 11.25 РСФСР халқ артисти Ф. Лузанов чалади. 11.45 «Киносаёҳатчилар клуби». 12.45 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Қишлоқдаги оддий иш кунлари». Кинопрограмма. «Эртанги кун ташвишлари». «Карпатча сервис». 16.00 Миллий байрам — Бенин Халқ Республикаси деб эълон қилинган кунга. Бенин Халқ Республикаси миллий ансамблининг концерти. 16.30 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». СССР халқ рассоми Е. Белашова. 17.00 Классик кураш бўйича жаҳон кубоги. Софиядан олиб кўрсатилади. 17.30 «Оналар мактаби».

18.00 «Ёшлар адреслари». 19.00 ЯХДР мустақил деб эълон қилинган кунга. «Адан — Яман Халқ Демократик Республикасининг пойтахти». Кинопрограмма. 19.15 К. Дебюсси. «Денгиз». Уч симфоник эскиз. 19.45 КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга!. «Манғишлоқ нефти». 1-кўрсатув. Кўрсатувда Қозоғистон Компартияси Манғишлоқ область комитетининг биринчи секретари С. М. Мукашев иштирок этади. 20.15 «Бу мафтункор оҳанглар». Фильм-балет премьераси. 21.30 «Время». 22.05 Спорт гимнастикаси бўйича жаҳон чемпионати. Кўп курашнинг айрим турлари бўйича финал. «Олимпийский» спорт комплексидан олиб кўрсатилади. 23.35 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

9.15 «Время». 10.00 «Авиатор». Биринчи рус учувчиси М. Н. Ефимов ҳақида. 10.35 ва 11.35 Табиатшунослик. 3-синф. Дала ва ўтлоқлар ҳаёти. 10.55 Уйғониш даври санъати. 4-кўрсатув. 11.55 «Сенинг ленинча кутубхонанг». 12.25 Илмий-оммабоп фильм. 12.40 ва 13.40 В. Маяковский. «Владимир Ильич Ленин» поэмаси. 10-синф. 13.10 «АБВГДейка». 14.10 «Фан оламида». 14.55 Б. Лавренёв. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари. 15.45 Ўқитувчи экрани. Тарих. 8-синф. Италияда миллий озодлик ҳаракати. 16.15 Умумий биология. 9-синф. Организмларда мослашишнинг пайдо бўлиши. 16.45 «Ихтиро учун патент». Илмий-оммабоп фильм. 17.00 Шифокор экрани.

19.30 «Халқаро панорама». 20.15 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 21.15 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.30 «Время». 22.05 «Зоя». Бадиий фильм. 23.35 Спорт программаси: Бадиий гимнастика бўйича «Интервидение» кубоги. ГДРдан олиб кўрсатилади. Классик кураш бўйича жаҳон кубоги. Софиядан олиб кўрсатилади.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Ўрмон эртаклари». Мультфильм. 18.20 «Пионер уйида». 18.50 Москва остоналаридаги жангнинг 40 йиллигига. «Советский воин». Тележурнал (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Ишчанлик руҳидаги даврада». «Кўп болали оналар ҳақида умумхалқ ғамхўрлиги». Телетомошабинларнинг саволларига Ўзбекистон ССР Социал таъминот министри С. У. Султонова жавоб беради. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси уйғур ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги. 22.20 «Актёрлар ва роллар». Т. Каримов. 23.40 Кўрсатувлар программаси.

II

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Ер ва эл». Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. (рус.). 18.35 «Сибирь программаси асосида дарс». Телефильм. 19.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Шимол этюдлари». Телефильм. 21.00 «Партиянинг жанговар ёрдамчиси». 21.30 МТ IV.

1 ДЕКАБРЬ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.15 «Время». 9.55 Эрталабки гимнастика. 10.20 «Кутишга вақтимиз йўқ». Бадиий фильм. 11.35 «Ҳайвонот оламида». 12.35 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Туғилган кунининг 125 йиллигига. «Иван Франко». Телевизион ҳужжатли фильм. 16.10 «Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади?». 16.55 Ўсмирлар учун музикали программа.

18.55 Лаоснинг миллий байрами — Республика эълон қилинган кунга «Лаос: революция одимлари». Ҳужжатли фильм. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Фан оламида». 20.00 Г. Свиридов. Владимир Маяковский шеърига ёзилган солистлар, хор ва оркестр ижроси учун патетик оратория. 20.35 «Кичик ер». Кўп серияли телевизион ҳужжатли фильм. Ўртоқ Л. И. Брежнев китоби асосида. 1-фильм. 21.30 «Время». 22.05 Хоккей бўйича СССР чемпионати. МАСК— «Динамо» (М.). В. И. Ленин номли стадионнинг Спорт саройидан олиб кўрсатилади. 24.00 «Дунё воқеалари». 00.15 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Сокол» — «Спартак». 3-давр. Киевдан олиб кўрсатилади.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

9.15 «Время». 10.05, 12.05 ва 17.30 Француз тили. 10.35 ва 11.45 Табиатшунослик. 2-синф. Ҳайвонлар қишга қандай тайёргарлик кўради. 10.55 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Химия. 11.25 «Муқаддас Байкал». Илмий-оммабоп фильм. 12.40 ва 13.40 Физика. 8-синф. Табиат кучлари. 13.10 ва 17.00 Шахмат мактаби. 14.10 Р. Роллан. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари. 14.50 Ўқитувчи экрани. Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 8-синф. СССР гражданлари ҳуқуқ ва бурчларининг бирлиги. 15.20 Тарих. 6-синф. Жанна д'Арк. 15.55 Н. В. Гоголь. «Ревизор». 16.40 «Бригада наряди ҳақида ўйлар». Илмий-оммабоп фильм.

19.30 И. Соколов-Микитов. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари. 20.15 «Қишлоқ янгиликлари». 21.15 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.30 «Время». 22.05 «Артамоновлар иши». Бадиий фильм. 23.35 Ҳужжатли фильм.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Адабиёт. В. Маяковский сатираси (рус.). 12.00 «Тропэкс». Телефильм. 12.30 Адабиёт. Ҳозирги замон адабиётининг ривожлантирилиши. 13.00 Телевизион новеллалар театри. Е. Самандар. «Виждон».

17.45 Кўрсатувлар программаси. 17.50 «Сўз кетидан сўз келар». Кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларини рус тилида сўзлашишга ўргатиш (такрорий). 18.10 «Миллионлар ленинча университети». «Совет сиёсий системаси». 18.30 Ўсмирлар учун. «Ўсмир ва қонун» (рус.). 19.00 «Ахборот» (рус.). 19.15 «Пахтакорларнинг қишки юмушлари». 19.30 Концерт. 20.10 «Ахборот». 20.35 Москва. «Кичик ер». Кўп серияли телевизион ҳужжатли фильм. Ўртоқ Л. И. Брежнев китоби асосида. 1-фильм. 21.30 Москва «Время». 22.05 «Пианиночилар VI Бутуниттифоқ конкурси ғолибларининг якунловчи концерти. «Баҳор» концерт залидан трансляция пайтида ёзиб олинган. Концерт тугагач— Кўрсатувлар программаси.

II

18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика. 19.15 «Николай Симонов». Фильм-портрет. Туғилган кунининг 80 йиллигига. 20.30 Янгиликлар. 20.50 Эстетика асослари. «Санъатда мазмун ва шакл» (рус.). 21.30 МТ IV.

2 ДЕКАБРЬ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «Артамоновлар иши». Бадиий фильм. 11.35 «Махтрлик созандалар». Фильм-концерт. 11.45 «Илдизлар ва шохлар». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.35 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Телевизион ҳужжатли фильм. 16.15 Грузин композиторларининг асарларидан концерт. Тбилисидан олиб кўрсатилади. 16.45 «Рус тили». 17.15 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси рус халқ чолғулари академик оркестрининг концерти.

18.00 «Горнчилар, қаердасиз!». 18.30 «Бир юлдузнинг номини такрорлайман...» Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 19.00 «Думлар». Мультфильм. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.35 «Экономика тежамли бўлиши керак». 20.00 СССР билан Афғонистон Демократик Республикаси ўртасида дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисида Шартнома имзоланганлигига. Афғон артистларининг концерти. 20.30 «Кичик Ер». Кўп серияли телевизион ҳужжатли фильм. Ўртоқ Л. И. Брежнев китоби асосида. 2-фильм. 21.30 «Время». 22.05 Катта симфоник оркестр билан бир соат. 23.20 «Дунё воқеалари». 23.35 Третьяков галереясининг 125 йиллигига. «Давлат Третьяков галереяси заллари бўйлаб». Телевизион ҳужжатли фильм.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

9.00 «Время». 9.45 «Мен буни нима учун ихтиро қилдим». Илмий-оммабоп фильм. 10.05, 12.05 ва 17.30 Немис тили. 10.35 Уйғониш даври санъати. 5-кўрсатув. 11.15 «Жонли хотира». Ҳарбий йиллар публицистикаси. 12.40 ва 13.40 Тарих. 9-синф. Москвада Декабрь қуролли қўзғолони. 13.10 ва 17.00 «Ота-оналар, Сизлар учун». 14.10 А. С. Грибоедов. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари. 15.00 Ўқитувчи экрани. Одам анатомияси, физиологияси ва гигиенаси. 8-синф. Биз қандай нафас оламиз. 15.30 «Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади?». Шахтёрлик шон-шуҳрати ворислари. 16.00 Музикада поэзия.

19.30 Фридрих Энгельс. Ҳаёти саҳифалари. 20.15 «Музикали абонемент». П. И. Чайковский. «Йил фасллари». 21.15 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.30 «Время». 22.05 «Пирогов». Бадиий фильм. 23.35 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг Катта симфоник оркестри ижросида Қора Қораев асарлари.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Муха-Цокотуха». Болалар учун фильм-балет. 12.05 «Зудлик билан таклиф этилади». Телефильм. 12.35 «Жангоҳларда тобланган қўшиқ». Фильм-концерт.

17.45 Кўрсатувлар программаси. 17.50 «Синюшканинг кудуғи». Мультфильм. 18.10 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида». 18.40 «СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига— 60 зарбдор ҳафта». «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмасидан репортаж». 19.00 «Ахборот» (рус.). 19.15 Ўзбекистон композиторларининг VIII съезди олдидан. Т. Жалилов номли хизмат кўрсатган Давлат халқ чолғу оркестрининг концерти. 20.10 «Ахборот». 20.30 Москва. «Кичик Ер». Кўп серияли телевизион ҳужжатли фильм. Ўртоқ Л. И. Брежнев китоби асосида. 2-фильм. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги. 22.20 «Икки жангчи». Бадиий фильм. (рус.). 23.40 Кўрсатувлар программаси.

II

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 «Биз оддий хизматни ўтаяпмиз». Телефильм. 18.30 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Химия. 19.20 «Пойтахт области чорвадорлари ҳузурида». 20.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Француз тили. 20.30 Янгиликлар. 20.50 Эстетика асослари. «Санъатда мазмун ва шакл». 21.30 МТ IV.

3 ДЕКАБРЬ— ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси болалар Катта хорининг концерти. 10.35 «Пирогов». Бадиий фильм. 12.05 СССР халқ артисти Г. Ковалёва куйлайди. Ленинграддан олиб кўрсатилади. 12.30 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Сибирь ва Узоқ Шарқ бўйлаб». Кинопрограмма. 16.15 «Шахмат мактаби». Разрядлилар учун. 16.45 Бирлашган Араб амирликлари давлати ташкил топганлигининг 10 йиллигига. «Араб амирликлари қирғоғи». Телевизион ҳужжатли фильм. Автор — Ф. Сейфуль-Мулюков. 17.35 «Юность» хореографик ансамблининг чиқиши.

18.00 Н. Тихонов. «Йиллар ва йўллар». 18.40 «Миллионлар ленинча университети». «Меҳнатни рағбатлантиришни такомиллаштириш». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Қўшиқ инсон билан қолади». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 20.15 «Қиш этюди». 20.25 «Кичик ер». Кўп серияли телевизион ҳужжатли фильм. Ўртоқ Л. И. Брежнев китоби асосида. 3-фильм. 21.30 «Время». 22.05 Останкино концерт студиясида ёшлар кечаси. Армия ёшидаги йигитларни Совет Армияси сафига кузатиш. Уруш ветеранлари билан учрашув. 23.50 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

9.00 «Время». 9.45 «Ртвели номли система». Илмий-оммабоп фильм. 10.05, 12.05 ва 17.30 Испанча сўзлашинг. 10.35 ва 11.45 Табиатшунослик. 4-синф. Шамол ва унинг иши. 10.55 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Ҳозирги давр Ленинномаси. 11.25 «Асрий тайга». Илмий-оммабоп фильм. 12.35 ва 13.35 Физика. 9-синф. Электр майдони. 13.05 ва 17.00 Оналар мактаби. 14.05 «Партбилет ҳақида сўз». 14.50 Ўқитувчи экрани. Тарих. 7-синф. Куликово жанги. 15.20 Зоология. 7-синф. Қуруқликда ҳамда сувда яшовчилар. 15.45 «Броненосец «Потёмкин». Бадиий фильм.

19.30 Табиатни муҳофаза қилишга бағишланган ҳужжатли фильмлар программаси. 20.15 М. Равель асарларини Москва Давлат симфоник оркестри чалади. 21.15 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.30 «Время». 22.05 «Бу милицияда содир бўлган эди». Бадиий фильм. 23.25 «Александр Гриннинг Қрим саҳифалари». Телевизион ҳужжатли фильм.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси.

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Жамиятшунослик. Ҳозирги замон империализмининг асосий хусусиятлари (рус.). 12.00 Болалар учун. «Бойчечак» (такрорий). 12.30 Жамиятшунослик. «Ҳозирги замон империализмининг асосий хусусиятлари». 13.00 «Икки жангчи». Бадиий фильм (рус.).

17.45 Кўрсатувлар программаси. 17.50 Мультфильм. 18.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз— 80-йиллар комсомоллари». 18.30 «КПСС Марказий Комитети ноябрь (1981 йил) Пленуми қарорлари — ҳаётга». Муборак газни қайта ишлаш заводи (рус.). 19.00 «Ахборот» (рус.). 19.15 «Қизлар гулдастаси». 20.00 «Ахборот». 20.25 Москва. «Кичик Ер». Кўп серияли телевизион ҳужжатли фильм. Ўртоқ Л. И. Брежнев китоби асосида. 3-фильм. 21.30 Москва. «Время». 22.05 Ю. Бондарев. «Соҳил». М. Горький номли Давлат академик рус драма театрининг спектакли. 00.05 Кўрсатувлар программаси.

II

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Назарий механика. 19.00 Москва остоналаридаги жангнинг 40 йиллигига. «Отлан, буюк Ватаним». Ҳужжатли фильм. 20.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Инглиз тили. 20.30 Янгиликлар. 20.50 «Ҳужжатли кино экрани». 21.30 МТ IV.

4 ДЕКАБРЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «Горнчилар, қаердасиз!». 10.35 «Бу милицияда содир бўлган эди». Бадиий фильм. 11.55 «Ўрмондаги кўлда». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.05 Д. Шостакович. 1-квартет. Ленинграддан олиб кўрсатилади. 12.20 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Меҳнатинг — иқболинг». Кинопрограмма. 16.10 «Ўсмирлар ижоди». 16.40 «Москва ва москваликлар». 17.10 «Халқ ижоди». 17.55 Москва ҳақидаги ҳужжатли фильмлар программаси.

18.30 РСФСР халқ артисти Л. Гурченко ижросида уруш йиллари қўшиқлари. 19.05 «Дунё воқеалари». 19.20 «Тайфун» операциясининг ҳалокати». Ҳужжатли фильм премьераси. 19.40 Т. Хренников. Скрипка ва оркестр ижроси учун 2-концерт. РСФСРда хизмат кўрсатган артист И. Ойстрах ҳамда Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг СССР халқ артисти В. Федосеев раҳбарлигидаги Катта симфоник оркестри ижро этади. 19.55 МОСКВА ОСТОНАЛАРИДА НЕМИС-ФАШИСТ ҚЎШИНЛАРИ ТОР-МОР ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 40 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС. Концерт. Кремль Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Время». Кўрсатув тугагач — Хоккей бўйича СССР чемпионати. МАСК — «Сокол». 3-давр. В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Кичик спорт майдонидан олиб кўрсатилади. 24.00 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

9.00 «Время». 9.45 «Ноқоратупроқ: жасорат режалари». Илмий-оммабоп фильм. 10.05, 12.05 ва 17.30 Инглиз тили. 10.35 ва 11.35 Тарих. 4-синф. Капиталистик фабрикада. 11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Умумий биология. Ҳужайралар назарияси. 12.40 ва 13.40 География. 5-синф. Тоғлар. 13.10 ва 17.00 Рус тили. 14.10 «Звездочёт» телевизион журнали. Кўрсатувни Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси Ю. Н. Глазков олиб боради. 15.00 Ўқитувчи экрани. Табиатшунослик. 2-синф. Қиш келди. 15.20 География. 8-синф. Транспорт. 15.50 Совет тасвирий санъати. А. Пластов ижоди. 16.20 Меҳнат таълими ўқитувчисига ёрдам. Енгил кўйлак тикиш.

19.30 «Киносаёҳатчилар клуби». 20.30 Халқ куйлари. 20.45 «Тунингиз хайрли бўлсин», кичкинтойлар». 21.00 Концерт. Концерт тугагач — «Время». 22.05 «Азиз инсон». Бадиий фильм.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Футбол юлдузлари». Мультфильм. 11.50 Болалар учун фильм. «Ер остида». 12.30 Рус адабиёти. В. Маяковский сатираси (рус.) 13.00 «Аслида қаердан бошланар Ватан». Фильм-концерт. 17.45 Кўрсатувлар программаси. 17.50 «Мис тоғ бекаси». Мультфильм.

18.10 КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА! «Бекобод металлургия комбинати. Реконструкция муаммолари». 18.40 «Илҳом». Ижодкор ёшларнинг телевизион клуби. 19.20 «Ахборот» (ўзб., рус.). 19.55 Москва. МОСКВА ОСТОНАЛАРИДА НЕМИС-ФАШИСТ ҚЎШИНЛАРИ ТОР-МОР ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 40 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС. Концерт. Кремль Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Турналар учмоқда». Бадиий фильм. 23.40 Кўрсатувлар программаси.

II

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг». 18.40 Реклама. 19.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Чизма геометрия. 20.00 Янгиликлар. 20.20 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Немис тили. 20.50 «Йигитлар «Варяга»да хизмат қилмоқдалар». Телефильм. 21.00 «Ҳамма ерда ва ҳар соҳада тежамкор бўлайлик» (рус.). 21.30 МТ IV.

5 ДЕКАБРЬ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время» 9.50 Эрталабки гимнастика. 10.00 «АБВГДейка». 10.40 «Ота-оналар, Сизлар учун». 11.10 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик». 11.25 «Камалак». Халқ ижодиёти телевизион программаларининг IV Халқаро фестивали. Финляндия. 11.55 «Жасорат». 12.25 СССР Мудофаа министрлиги Биринчи алоҳида намунали оркестри ижросида Улуғ Ватан уруши қўшиқлари мавзуларига ёзилган фантазия. 12.35 «Қуёш хазинаси». 13.20 «Музикали Каунас». 13.35 «Сизни қизиқтирган китоблар». 14.20 «Спортлото»нинг 49-тиражи. 14.30 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 15.30 «Дунё воқеалари». 15.45 «Ёнаётган дарахт». Телевизион бадиий фильм. 16.15 «Ғолиблар». Фронтдош дўстлар клуби. 17.45 Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати.

18.15 «Пионерлар тўртовлон бўлиб келишарди». Мультфильм. 18.25 Халқаро конкурслар лауреати Л. Тимофеева чалади (фортепьяно). 18.50 «9-студия». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи В. С. Зорин олиб боради. 19.50 Москва остоналаридаги жангнинг 40 йиллигига. «Оғир дамларда». Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.05 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — АСК. 3-давр. В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Кичик спорт майдонидан олиб кўрсатилади. 22.40 «Хатларингиз асосида...». Улуғ Ватан уруши ветеранлари — Москва остоналаридаги жангнинг қатнашчилари учун музикали программа. 23.25 «Само — менинг муҳаббатим». Телевизион ҳужжатли фильм. 23.55 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси.

9.00 «Время». 9.55 Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 10.40 «Тонгги почта» музикали программаси. 11.10 «Ёшлар адреслари». 12.05 «План ва сут соғувчи Вера». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.55 «Яхши кайфият». Концерт. 13.25 «Объектив». 13.55 «1981 йил қўшиқлари». Тошкентдан олиб кўрсатилади. 15.25 А. Арбузов. «Тунги нур». Моссовет номли Давлат академик театрининг фильм-спектакли. 17.55 «Музикали киоск».

18.25 «Здоровье» илмий-оммабоп программаси. 19.10 «Ҳайкалтарош Михаил Аникушин». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.00 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (М) — АСК. 1- ва 2-даврлар. В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Кичик спорт майдонидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (20.35) — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.30 «Время». 22.05 «Чопқир от изидан». Телевизион бадиий фильм («Ўзбекфильм»). 1-серия. 23.10 «Шеърлардаги дилкаш сатрлар». РСФСР халқ артисти Т. Доронина С. Есенин шеърларини ўқийди. Фильм-концерт.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Лирик концерт. 10.50 «Инсон болаликдан бошланади». 11.20 «Татар драма ва комедия театри артистлари — студиямиз меҳмони». 12.05 Спорт программаси: 1. В. С. Митрофанов хотираси соврини учун сузиш бўйича анъанавий мусобақалар. В. С. Митрофанов номидаги Сув спорти саройидан репортаж. 2. Шахмат мактаби. 13.05 «Ғалати гаров». Бадиий фильм. 14.20 «Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак».

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Биргаликда шодон қадам ташлаймиз». Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон телевидениелари болалар программаларининг телевизион фестивали. Қозоғистон телевидениесининг кўрсатуви. 18.30 Болалар учун концерт. 19.00 «Сиҳат-саломатлик». Илмий-оммабоп программа. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Ўзбекистон композиторларининг VIII съезди олдидан. Бастакорлар асарлари. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси дуторчи қизлар ансамблининг концерти (такрорий). 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Дунё воқеалари». 22.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Оталар сўзи—ақлнинг кўзи». 23.35 Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевидениесининг программаси

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Мактаб ўқувчилари учун. «Костёр». 18.35 Болалар учун. «Салом, Ральф». Телевизион бадиий фильм. 19.00 «Новости». 19.20 Ҳужжатли фильм. 19.30 «Дугонаҳо». Телевизион клуб. 20.30 «Аҳбор». 20.55 Тожикистон телевидениеси ва радиоси солистларининг концерти. 21.30 МТ IV.

6 ДЕКАБРЬ — ЯКШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Зарядкага сафланинг!». 10.00 «Будильник». 10.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 11.30 «Здоровье» илмий-оммабоп программаси. 12.15 «Тонгги почта» музикали программаси. 12.45 «Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар нигоҳи билан». 13.00 «Қишлоқ янгиликлари». 14.00 «Музикали киоск». 14.30 И. Друце. «Ёшлигимиз қушлари». ССР Иттифоқи Давлат академик Малий театрининг фильм-спектакли. 16.45 «Киносаёҳатчилар клуби». 17.45 «Шалпангқулоқ», «Айиқча уйқудан қачон туради?», «Шалпангқулоқ ва унинг дўстлари». Мультфильмлар.

18.30 «Халқаро панорама». 19.15 Финляндиянинг миллий байрами — Мустақиллик эълон қилинган кунга. Финляндия телевидениесининг программаси. 20.05 «Тенгсиз жанг». Телевизион спектакль премьераси. Автор — В. Розов. 21.30 «Время». 22.05 «Инсон қўшиқ айтганда...» Фильм-концерт премьераси. 23.05 Адабий ўқиш. Н. Тихонов «Кавалькада». Ҳикоя. 23.40 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

9.00 «Время». 9.45 Илмий-оммабоп фильмлар программаси. 11.00 «Камалак». Халқ ижодиёти телевизион программаларининг IV Халқаро фестивали: «Тошдаги учқунлар» (ЮСФР). 11.20 Болалар учун фильм. «Бетховен концерти». 12.25 «Ҳайвонот оламида». 13.25 «Композитор Евгений Жарковский қўшиқлари». Фильм-концерт. 14.00 «Фронтдошлар». Телевизион ҳужжатли фильм. 15.00 «Кинотомошабин ҳамроҳи». 15.45 А. Корелли. «5-Кончертогроссо. Си бемоль мажор». «Фестиваль стрингелюцерн» камер оркестри ижро этади. 16.00 Тўпли хоккей бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (М) — «Зоркий». «Олимпийский» спорт комплексидан олиб кўрсатилади.

17.45 М. Анчаров. «Кундан кунга». Кўп серияли телевизион спектакль. 1-боб. «Январь. 10-якшанба». 19.00 «Советлар ва ҳаёт». 19.30 СССР халқларининг қўшиқлари ва рақслари. 20.00 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Кристалл». 1- ва 2-даврлар. В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Кичик спорт майдонидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (20.35) — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.30 «Время». 22.05 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Кристалл». 3-давр. В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Кичик спорт майдонидан олиб кўрсатилади. 22.40 «Чопқир от изидан». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Оталар сўзи—ақлнинг кўзи». 11.10 «Мультипанорама». Болалар учун кинокўрсатув. 12.00 «Қувноқ стартлар» (такрорий). 13.00 «Ёшлик» халқ ашула ва рақс ансамблининг концерти. 13.55 «Ўзбекистон спорти» (рус.). 14.25 Болалар учун. «Уч бақалоқ». Бадиий фильм. 15.50 «Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун» (рус.). 16.20 Реклама.

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Сеҳрли самовар», «Яшил эртак». Мультфильмлар. 18.30 «Биргаликда шодон қадам ташлаймиз». Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон телевидениелари болалар программаларининг телевизион фестивали. Қирғизистон телевидениесининг кўрсатуви. 19.00 Болалар учун. «Фонарик» (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Цирк, цирк, цирк». 20.30 «Ахборот». 20.50 Дам олиш концерти 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Чорвачилик — зарбдор фронт». 22.20 Телевидение экранида биринчи марта. «Шахсий масалалар бўйича бир неча интервью». Бадиий фильм. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

●

Қирғизистон телевидениесининг программаси

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 28/XI да **Инқилоб тонгги** (16.00), 29/XI да **Оқ танлилар** (16.00).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 28/XI да **Хизматингизга тайёрмиз**, 29/XI да **Кулги кечаси**, 30/XI да **Гулсара**.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— янги программа. «ПРОМЕТЕЙ» цирк спектакли.

КИНО

28 НОЯБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ИМТИҲОН»— **Қозоғистон.**

«ТУЛА ЖАСОРАТИ» —**Восток.**

«ХАВФЛИ ЎЙИН»— **Пионер.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЕН ДАФТАРНИНГ СИРИ» — **Искра** (16, 18, 19.45).

«ТЕҲРОН—43» — **Санъат саройи** (катта зал, 16.15, 19.15; кичик зал, 12, 14.30, 17.15, 19.45).

«УМР ЙЎЛДОШИМ БЎЛИНГ» — **Дружба** (жуфт соатларда), **Восток** (жуфт соатларда).

29 НОЯБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ИМТИҲОН»— **Қозоғистон.**

«ТУЛА ЖАСОРАТИ» — **Восток.**

«ХАВФЛИ ЎЙИН»— **Пионер.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЕН ДАФТАРНИНГ СИРИ» — **Искра** (16, 18, 19.45).

«УМР ЙЎЛДОШИМ БЎЛИНГ» — **Дружба** (жуфт соатларда), **Восток** (жуфт соатларда).

ЭРКАКЛАРНИНГ 1.800 КОСТЮМИ


ТОШКЕНТДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ТИКУВ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ШУНЧА МАҲСУЛОТИНИ РЕСПУБЛИКАНИНГ 60 САВДО БАЗАСИ ВА ЙИРИК САВДО КОРХОНАЛАРИ ҲАР КУНИ ОЛИБ ТУРАДИ.

Тошкентдаги Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси бугунги кунда замонавий технология ускуналари билан жиҳозланган республикадаги йирик тикувчилик саноати корхонасидир. Бирлашмага бош корхона ва иккита филиал киради ва улар эркакларнинг костюмлари, пиджаклари, курткалари, шимлари, ўғил болалар учун мактаб формалари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилгандир.

Мамлакатимизнинг 8 та иттифоқдош республикасидаги 30 дан зиёд тўқимачилик комбинати бирлашмага жун, шойи, ипгазламали ва синтетик газламаларни етказиб бериб туради.

Корхонанинг ишлаб чиқариш корпуслари салобатини кўз олдимизга келтириш учун тасаввур қилиб кўрайлик. Умумий сатҳи 2500 квадрат метрдан иборат бўлган тикувчилик цехида 1000 га яқин киши меҳнат қилади.

Конструкторлик устахонаси— корхонанинг юраги ва мияси ҳисобланади. Бу ерда рассом-модельерлар ва инженер-конструкторлар, республика моделлар уйи мутахассислари билан яқин ҳамкорликда ишлаб эркаклар кийимларининг янги моделларини яратадилар. Янги моделлар тайёрланаётганда албатта харидорларнинг талаби, ишлаб чиқариш имкониятлари, савдо ташкилотларининг талаблари инобатга олинади.



Тикув бирлашмасининг коллективи йил сайин ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини ошириш, ассортиментини кенгайтиришга катта эътибор бермоқда. Келгуси йилда давлат Сифат белгиси билан аттестацияланган буюмларни ишлаб чиқариш анчагина кўпайтирилади.

Ишончимиз комилки, Тошкентдаги Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикув ишлаб чиқариш бирлашмасининг тамғаси босилган кийимларни киядиган эркакларимиз ана шу маҳсулотни тиккан чеварларнинг меҳнатидан миннатдор бўладилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ ТИКУВ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

ТОШКЕНТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ ЁШЛАРНИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ТАЙЁРЛАЙДИГАН

ПУЛЛИК КУРСЛАРИГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

МАШҒУЛОТЛАР: математика, география, тарих, она тили ва адабиёт фанлари бўйича ўзбек ва рус тилларида ҳафтанинг чоршанба, шанба ва дам олиш кунларида олиб борилади.

Курсларга ўрта маълумотлилар, ҳамда 10 синфда ўқиб турганлар қабул қилинади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: институт ректори номига ариза, ўрта маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг нусхаси, иш жойидан ва турар жойидан справкалар, 2 та фотосурат.

Машғулотлар 1 декабрь ва 1 январдан бошланади.

Ҳужжатлар қуйидаги адресда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 183-уй, 1—30-хона.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

28 НОЯБРЬ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.25 Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати. 18.55 «Кинопанорама». 20.30 Союзлар уйининг Колонна залида Совет телевидениесининг 50 йиллигига бағишланган концерт. Танаффус пайтида (21.15) — «Время». Кўрсатув тугагач— Спорт гимнастикаси бўйича жаҳон чемпионати. Кўп кураш. Хотин-қизлар. Финал. «Олимпийский» спорт комплексидан олиб кўрсатилади.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

18.20 «Киносаёҳатчилар клуби». 19.15 «Здоровье» илмий-оммабоп программаси. 20.00 «Яхши ишлаш ҳар доим қийин. Волга «Автоваз» бирлашмаси автомобилсозлари ҳақида телевизион ҳужжатли фильм. 21.00 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.15 «Время». 21.45 Ҳужжатли фильм. 22.05 «Парад-алле». Бадиий фильм.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

18.00 «Биргаликда шодон қадам ташлаймиз». СССР ташкил топган куннинг 60 йиллигига бағишланган Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон болалар программаларининг телевизион фестивали. Туркманистон телевидениесининг программаси. 18.30 «Цирк, цирк, цирк». 19.15 «Ахборот». 19.30 «Сатирик лавҳалар», «Мен сизлар томон хотиралар билан интиламан». Катталар учун мультфильмлар. 20.10 «Ахборот». 20.30 Москва. Союзлар уйининг Колонна залида Совет телевидениесининг 50 йиллигига бағишланган концерт. Танаффус пайтида (21.15) — «Время». 23.05 «Афсус-надомат». Бадиий фильм. 2-серия. 00.15 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент давлат университети маъмурияти, касаба союз ташкилоти ўқув бўлимининг ходими

Анажон ЗАЙНОБИДДИНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор қиладилар.

4 бет. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши —32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83 совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54.19 фан мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10: адабиёт ва санъат — 32-56-81: ахборот—33-28.95. спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55-32: хатлар — 33-29.70: эълонлар бўлими —33-81.42: нашриёт диспетчери 32-78-94: нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

Р—03327. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. В-2524. Индекс 64691.